

ТАБИАТГА ОЗОР БЕРМАНГ!

Ўзга элнинг боғидан ўз юртининг янтоқзори ҳам афзал, деб бежиз айтишмаган. Тугилиб ўсган ерига меҳр қўйиш, шу туйғуни фарзандларига, ниҳол каби ўсиб келаётган ёш авлод қалбига синдириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

Аммо фарзандларини она табиатга меҳр руҳида тарбиялаш учун кишининг ўзи шу руҳда тарбияланган бўлиши керак.

2
БЕТ

БОСҚИНЧИЛАРНИНГ МАЛАЙИ



— Йигирма беш минг доллар келтириб берсанг, сенга тегмаймиз, — деди Жамшид. — Бўлмаса, машинангдан ҳам, жонингдан ҳам айрилсан.

— Бировга чурқ этсанг, ерининг тағидан бўлсан топиб, чавақлаб ташлаймиз, — дуқ урди Шукур.

10
БЕТ

Mustaqillik huquq demakdir

Ҳуқуқ



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 12-fevral, № 07 (632)

ИНТЕРВЬЮ

Мамлакатимизда тарихан қисқа давр ичда инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида изчиллик билан таъбиқ этилаётган ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш йўлидаги ислохотлар негизда суд-ҳуқуқ тизimini либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг пухта ҳимоясини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад муҳассам.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан ЎЗА муҳбирининг суҳбати мазкур ислохотлар бераётган самаралар ҳақида бўлди.

давонида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 55 мингта яқин жиноят иши ва 256 мингдан ортиқроқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш билан боғлиқ иш кўриб чиқилди.

Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиши суд процесси иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя

АНЖУМАН

Ҳуқуқий маданиятни ошириш йўлида

Ўтган ҳафта пойтахтимизнинг Наврўз ресторанида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда шаҳар прокуратураси, шаҳар ИИБ бошқармаси ходимлари ҳамда шаҳар суд департаменти органларининг вакиллари иштирок этишди.

Анжуманни шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи Хайридин Файзиев олиб борди. Унда Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2008 йилда амалга оширган ишлари ва келгуси режалар юзасидан маълумот бериб ўтилди. Жумладан, 2008 йилда шаҳар адлия бошқармасига 6169 мурожаат келиб тушган.

Шунингдек, бошқарма томонидан ўтказилган текширишларда 4468 та қонунибузилиш ҳолатлари аниқланган бўлиб, тегишли ташкилотларга камчиликлар юзасидан 320 та тақдимнома киритилган. Киритилган тақдимномаларнинг 97 фоизининг ижроси таъминланган. Бинобарин, киритилган тақдимномалар ижроси ўлароқ 5 нафар банк ходими ўз вазифаларидан озод этилиб, қўплаб мансабдор шахслар расман огоҳлантирилган.

Шу билан бирга, матбуот анжуманида Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати раҳбари Тўрабек Тўраев тизимда қилинаётган ишлар юзасидан ҳамда анжуманнинг мақсад ва вазифалари ҳақида ОАВ вакилларига кенг қамровли маълумот бериб ўтди.

Шундан сўнг матбуот анжуманида қатнашган ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларига шаҳар адлия бошқармаси мансабдор шахслари, қолаверса, шу ерга ташиф буюрган ҳуқуқий муҳофаза қилувчи бошқа органлар вакиллари томонидан тўлақонли жавоб олишди.

Ўткиржон ДЕХҚОНОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири

ОДИЛ СУДЛОВ – ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИ

— Бўритош Мустафоевич, статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг суд орқали ҳимоя қилиш борасидаги мурожаатлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

— Бу, аввало, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қарорлар самараси ўлароқ, фуқароларнинг одил судловга ишончи муттасил ортиб бораётганининг амалдаги ифодасидир. Жумладан, ўтган йилларда Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қонда ва талаблари асосида

жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди. Натижада озодликдан маҳрум қилиш тарихида жазо қўлланилган шахслар сони 2000 йилдан шу вақтга қадар икки баравардан кўпроқ қисқарди.

Умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви одил судлов сифатини ошириш имконини берди. 2000 йилда республика бўйича 70 мингта яқин фуқаролик иши кўрилган бўлса, 2008 йилда бу 340 мингдан ортиқни ташкил қилиб, уларнинг 96,2 фоизга яқини бўйича даъволар қаноатлантирилди. Шу вақт

қилинишида қўшимча кафолат бўлди. Инсон манфаатларини янада кенгроқ ифода этиш мақсадида кенг қўлланилаётган ярашув институти эса одил судловни амалга ошириш, фуқаролар эркинликларини изчил ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётди. Мазкур институт ўтган саккиз йил мобайнида саксон мингта яқин кишини нисбатан жиноий таъқиб тугатилиши учун имкон бергани ҳам бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, жиноят оқибатида этказилган 51 миллиард сўмдан ортиқроқ моддий зарарнинг ўрини қоплаган 11 минг нафарга яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

(Давоми 4-бетда).

Заҳридин Муҳаммад Бобур таваллудининг 526 йиллиги олдидан

«Неча жиҳатдин мумкин эмас эрдиким...»

Бобурнинг адолат ва қонунга муносабати



Заҳридин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарига 30 га яқин фан соҳалари бўйича фикр билдирилган. Унда 1560 нафардан кўпроқ шахс — асар персонажлари ҳақида сўз борадики, Шарқ ва Ғарб малайяти тарихида бундай асарлар жуда кам топилди. Асар муаллифининг ростбаёнлиги, барча масалалар: жумладан, давлатчилик қонунларига амал қилиш, ўша давр ҳукмрон доирасининг адолатга бўлган талаблари ва бу талабларнинг жамият аъзолари орасида таъбиқ этиш, ким бўлишидан қатъи назар адолат мезонларига амал қилиш кўзда тутилган. Албатта, биз «адолат», «қонун», «шариат аҳкомлари» ва бошқа ўша давр атамаларининг бугунги қонунчилик ва адолат тушунчаларининг мезонлари, инсон ҳуқуқлари каби сўз ва атамалар ўлчови билан эмас, балки бу тушунчаларнинг амалга

жорий этилиши ўша пайтда шох, султон ва қонуний амалга киритувчи қозикалон ва унинг бошчилигидаги ходимларнинг бу қонуналарга қай даражада амал қилганлигидан билиб оламиз.

Заҳридин Бобурнинг адолат тушунчасига бўлган муносабати шахсиятини белгилувчи муҳим жиҳатдир. Унинг бу хислати буюк саркарда, шох, шоир, олим, носир, хуллас, қомусий билим соҳибига бўлган инсон ҳақидаги тасавуриимизни тўлдирди. Амир Темур даврида давлатчиликнинг юксак қонуналари яратилган бўлиб, унга изчил амал қилинган, ушбу қонунарни бузганлар эса қаттиқ жазоланган. Бу тартибга кейинроқ Амир Темур фарзандлари Шоҳрух, Мироншоҳ, набираси Улуғбек ва бошқа темурийзодалар риоя қилганлар.

Суррунали тарзда тож-тахт учун кураш, темурий шаҳзодалар ўртасидаги низолар, урушлар, баъзан қонли тўқнашувлар оқибатида давлат бошқаруви, жамият тартиби, қонунарига риоя этиш бузилган, айрим ҳолатда бошбошдоқлик ҳукм суриб, қонунлар менсилмаганлиги боис темурийлар салтанати ифкорозга юз тутган.

1497-98 йил воқеалари. Заҳридин Бобур отаси Умар Шайх мирзо вафотидан кейин 12 ёшида Андижон тахтига ўтирди.

Уч-тўрт йил ўтар-ўтмас, у анчагина тож-тахт курашларига кўзи пишган, давлат бошқарувида анча ўқуви келиб, оқни қорадан айира бошлаган шаҳзода, давр султони эди. Ҳатто, ана шу ёшида у бошқа темурий шаҳзодалар билан кураш олиб бориб, Самарқандни эгаллаган ва тахтга ўтирган, дўстлари қатори ғанимлари Аҳмад Танбал ва Узун Ҳасан ҳам чин дилдан бўлмаса-да, уни тан олишган эди. «Бобурнома»да Самарқанд тахтини эгаллаган тарихини келтирган Бобур ўша пайтда 15 ёшда бўлган. Шу парчадан ҳам биз буюк Темурнинг пойтахти Самарқанд унинг вафотидан кейин темурий шаҳзодалар, султонлар томонидан қанчалик «хомталаш» қилинганлигини тасаввур этишимиз қийин эмас. Биз «Бобурнома»даги бу хронологик парчани тўлиқроқ келтиришимизнинг сабаби, бу матн унинг адолат ва қонунийликка бўлган муносабатининг мағзини ташкил этади.

Бунда гап асосан Амир Темур томонидан асос солинган юрт ягоналиги «кодексининг» поймол этилганлиги ҳақида боради. Бобур айнан ана шу қонуналарнинг бузилишини надомат билан зикр этади, темурийзодалар томонидан давлат бошқарувида адолат поймол этилганлигини таъкидлайди. Бу ҳодисани Самарқанд шахрининг «тақдир»

билан бирга оладиган бўлсақ, қайси бир шаҳзода бу шаҳарни эгалламасин, биринчи навбатда ўзининг «адолат»ини асос билганлиги, шахсий манфаат, тож-тахт талашини боис уларнинг ҳар бири халққа ташвишлар ортирганлиги, ўз навбатига ҳукмдорларга нисбатан халқнинг ишончсизлигини юзага келтирганлиги кўрамай: «Абдуллатиф мирзонинг сўнгра Шоҳрух мирзонинг набираси Иброҳим Султон мирзонинг ўғли Абдулла мирзоким, Улуғбек мирзонинг кўеви эди, тахтга ўлтурди. Бир ярим-икки йилга ёвуққа подшоҳлик қилди. Андин сўнгра Султон Абу Саъид мирзо олди, ўз ҳаётида улуг ўғли Султон Аҳмад мирзога бериб эди. Султон Абу Саъид мирзонинг сўнг Султон Аҳмад мирзо подшоҳлик қилди. Султон Абу Саъид мирзонинг фавтидин сўнг Султон Маҳмуд мирзо Самарқанд тахтига ўлтурди. Султон Маҳмуд мирзонинг сўнг Бойсунқур мирзони подшоҳ қилди. Тархонларнинг гавғосида Бойсунқур мирзони тутиб, инисин Султон Али мирзони бир-икки кун ўлтурғузилар. Яна Бойсунқур мирзо ўқ олди. Нечуққим, бу тарихда мазкур бўлди. Бойсунқур мирзонинг мен олдим, мундин сўнгра вақойида ўзга кайфиятлар маълум бўлғусидур».

(Давоми 3-бетда).

Инсоннинг ҳаёт йўли, қандай маслак ва мақсадлар билан умргуздорлик қилиши болалик таассуротлари, болаликда олган таълим-тарбияси, у ўсиб улғайган муҳит билан бевосита боғлиқ бўлади. Бола буюдан деганларидек, келажак ворисларининг баркамол авлод бўлиб етишишлари учун қайғуриш миллатнинг сависини, маънавий салохиятини кўрсатади. Хукуматимиз томонидан ёш авлоднинг муносиб таълим ва тарбия олиши учун зарур шарт-шароитни ҳозирлаш борасидаги сав-харакатлари кутилган самараларни бермоқда. Юртимизнинг қай гўшасига борманг, таълим муасса-

воёга етмаганлар ташкил этади. Воёга етмаганларнинг таълим-тарбия ва касб-хунар олишлари учун 26 та мактабга таълим муассасаси, 46 та мактаб ва 6 та коллеж фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йилда туман прокуратураси томонидан воёга етмаганларнинг иқтимоий ҳимояси, меҳнати ва бандлигини, соғлигини сақлаш, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳоимийлик тайинлаш, таълим муассасаларида давлат мулкнинг сақланиши юзасидан 22 та текшириш ўтказилиб, натижалари буйича тегишли прокурор тасир чоралари қўлланилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари буйича 3

уларни тўғри йўлга солиш борасида олиб борилаётган профилактик суҳбатлар аҳоли юзасидан ҳар чоракда текширишлар ўтказилиб, натижалари юзасидан тегишли прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилиб келинмоқда.

Шу ўринда воёга етмаган М.Бекметов томонидан содир этилган бир жиноятнинг тафсилотларини келтириб ўтсам. Маҳмуд мактаб ўқувчиси бўлиб, отаси ишлаш учун Россияга кетгани, ўғай онаси билан бирга яшашни хоҳлаганини тўғри амакиси Б.Бекметов хонадонига яшаб келган. 2008 йилнинг 8 сентябрь кuni Маҳмуд қўшниси И.Рўз-

ди. Ўз нафслари учун «узумни егуну боғини суриштирма» қабилида иш тутишади. Аслида М.Бекметовда ўғирлик содир этиш учун жиддий сабаб ёки пулга зарурат бўлмаган. У яшаётган оилادا назоратнинг сустлиги, ўсиришнинг таълим-тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилгани сабабли жиноятга қўл уради.

Судда жиноят ишлари қўрилишида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш жуда муҳим масала ҳисобланади. Судланувчи қандай жиноят содир этганидан қатъи назар, у аввало воёга етмаган шахсдир. Суд М.Бекметовнинг айбига иқдор ва пўшаймонлигини, муқаддам судланмаган ва воёга етмаганлигини, фуқаровий давобарга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини ҳам эътиборга олиб, судланувчи жавобгарликдан озод этилди. Иш воёга етмаганлар билан ишлаш комиссиясида қўришга топширилди. М.Бекметовнинг жамоат тарбиячиси қилиб унинг тоғаси Р.Собиров тайинланди.

Чиндан ҳам, бола тарбияси мураккаб жараён. Унда иккинчи даражали ишнинг ўзи йўқ. Ҳар биримиз бола тарбияси учун ўзимизни масъул билишимиз лозим. Зеро, бир болага оти қўшни ота-она деб бежизга айтишмаган.

Ойбек МАТЧАНОВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув
курслари тинловчиси

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

салари бунёд этилаётганининг гувоҳи бўласиз. Бу каби бунёдкорликлар, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган кен қўлмали амалий тадбирлар баркамол авлоднинг шакллантиришда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Парламент томонидан қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги Қонунда болалар ҳуқуқларининг ҳимояси, бу борада давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг вазифалари, бир сўз билан айтганда, давлат сийосатининг устувор йўналишлари аниқ белгилаб қўйилган. Ҳозирда бу ҳаётий муҳим қонуннинг ижроси таъминланмоқда.

Боғот тумани мисолида гапирадиган бўлсак, туман аҳолиснинг 50,6 фоизини

та жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўлаб, судга оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида 1 та давбо арзиси қиритилди.

Воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида Бош прокурорнинг «Воёга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»-ги буйруғи талабларидан келиб чиқиб, профилактик тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Маъмурий назоратда турган шахсларнинг ўз фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик ва

метова уйини қўлаб, қалитни яшираётганини қўриб қолади. Қўшниси ишга кетгач, унинг хонадонидан баҳоси 530 минг сўм бўлган бир жуфт аёллар олтин сирғаси ва бир донга узукни яширин равишда ўғирлаб, талон-торож қилади. Маҳмуд ўғирлик йўли билан қўлга қиритган буюмларни ўртоғи Нурбекнинг олтин билан савдо қилувчи аммасига 100 минг сўмга сотади. Нурбекка аммасиникига олиб боргани учун беш минг сўм беради, қолганини ўртоқларига чойхонада зиёфат беришга сарфлайди. Кишини ташвишга соладигани шундаки, на олтин билан савдо қилувчи аёл ва на чойхонадагилар, воёга етмаган болада олтин буюм ёки пул қаердан пайдо бўлгани билан қизиқишмай-

омукта емдан 11,92 тонна 2 млн. 281 минг 603 сўмлик, омукта ем хом-ашёсида 52,34 тонна 5 млн. 888 минг 250 сўмлик, жами 61 млн. 308 минг 328 сўмлик ортиқча товар моддий бойликлари аниқланган.

Хуллас, «TOSHKENTDONMAHSULOT» ОАЖ омукта ем ишлаб чиқариш комплекси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ж.Зуфаров ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган 62 млн. 646 минг 039 сўмлик давлат ва жамият мулкни улаштириш йўли билан талон-торож қилиб юборган.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қол-

Учар «тадбиркор»

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси томонидан 2008 йилда нақд пул айланисининг белгиланган тартиби бузилишининг олдини олиш юзасидан ўтказилган текширувларда жами 86 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилди. 52 миллиард сўмдан зиёдрок ноқонуний товар-пул айланмаси аниқланган. Ҳуқуқбузарлардан жами 130,2 млн. сўм миқдордаги зарар нақд пул шаклида ундирилган.

Жумладан, Бухоро шаҳрида яшовчи фуқаро О.Деметьев 2006-2008 йиллар мобайнида «ЕАЗ Телеком», «ЕАЗ Систем», «ЕАЗ Склад», «ЕАЗ Финанс микрокредит ташкилоти», «Просто планет», «Просто кадр», «Просто оплата» масъулияти чекланган жамиятларини ташкил қилиб, ноқонуний фаолият билан шуғулланиб келгани аниқланди.

Биргина «ЕАЗ Систем» масъулияти чекланган жамиятини юритган О.Деметьев 2008 йил 9 ойи давомида жами 3 млрд. 342 млн. 260,1 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширган. Бухоро шаҳар ДСИга 3-чорак якуни буйича топширган ҳисоботларида амалга оширган диллерлик фаолияти натижасида ҳисоб рақамига келиб тушган рағбатлантириш суммасини 38 млн. 599,7 минг сўм, улгуржи савдо фаолиятидан тушган тушумини 164 млн. 15,5 минг сўм қилиб кўрсатиб, солиққа тортилиши лозим бўлган 3 млрд. 178 млн. 244,6 минг сўмлик товар айланмасини қасддан яширган. Давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 146 млн. 198,3 минг сўмлик солиқларни тўламай келган.

О.Деметьев жиноий ҳаракатларини давом эттириб, турли корхона-ташкилотлардан ҳар хил ҳақиқатда жамиятда мавжуд бўлмаган маҳсулотлар жўнатиладигани учун ҳисоб рақамига кўчирилган пул маблағларини нақдлаштирган. Маблағ йиғиш учунгина очилган «ЕАЗ Систем» МЧЖдан «ЕАЗ Телеком» ҳисоб рақамига низоом жамгармаси учун 826 млн. сўм қўчириш йўли билан пул маблағларини нақдлаштиради.

Юқорида кўрсатилган МЧЖлар орқали О.Деметьев жами 18 млрд. сўмлик ноқонуний товар ва пул айланмасини амалга ошириб, мазкур товар айланмасидан 175 млн. 9 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан буйин товланган. 16 млрд. сўм пул маблағларини нақдлаштириб, 1 млрд. 652 млн. сўмлик нақд савдо пул тушуминини банк муассасасига топширмадан савдо қондаларини жуда қўп марта бузган.

Мазкур ҳолат юзасидан О.Деметьев ҳамда юқорида санаб ўтилган масъулияти чекланган жамиятларнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Илҳом ТҲХАНОВ,

Эркин АБДУЛЛАЕВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаментининг
Бухоро вилоят бошқармаси ходимлари

Республикаимиз ҳақ ҳўжалигида аграр соҳа нечоғли муҳим ўрин тутиши ҳеч биримизга сир эмас. Шу сабабли ҳам сўнгги йиллар ичида мазкур соҳада тул ислохотлар амалга оширилиб, замон талабига мос қишлоқ инфраструктурасини шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимизда қисқа муддатлар ичида ғалла мустиқлиги қўлга қиритилгани, шубҳасиз, истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқлар сирасига қиради. Соҳада олиб борилаётган тул ислохотлар жа-

зиммида ишлаб юрган Жаҳонгир Зуфаровнинг омади келиб, 2008 йилнинг 7 майдан ушбу комплекс бошлиғи вазифасини бажарувчи этиб тайинланди. Унинг хурсандчилигининг чеки йўқ эди: назарида энди у «пул ёмғирини» остида қолиши аниқ.

Нима ҳам дейиш мумкин, Ж.Зуфаров топширилган вазифани масъулият деб эмас, даромад манбаси деб тушунувчилардан экан. Аммо босар-тусарини билмай қолган Ж.Зуфаровнинг хурсандчилиги қўлга қўзимди. Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги

ЎЗЛАШТИРИШ

раёнида республикаимизда дон маҳсулотларини қабул қилиш ва қайта ишлашга ихтисослашган инфраструктура шакллантирилди. Ўз навбатида мазкур инфраструктура аграр соҳанинг бошқа тармоқлари ривожига ҳам улуш қўшиб келмоқда. Хусусан, дон қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналаридаги чорва учун омукта ем ишлаб чиқариш комплекслари чорвачилик ҳўжаликлари тараққийетида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Аммо шахсий манфаатларини жамият ва давлат манфаатларидан устун кўрувчи айрим юртдошларимиз ҳам учраб турибдики, улар бундай корхоналарга мўмай даромад манбаси сифатида қараб келишмоқда.

«TOSHKENTDONMAHSULOT» ОАЖнинг омукта ем ишлаб чиқариш комплексида оператор лаво-

СВОЖДЛКК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан «TOSHKENTDONMAHSULOT» ОАЖда ҳужжатли текширишлар бошланганидан хабар тоғланди унинг ҳаловати йўқолди. «Демак, омукта ем ишлаб чиқариш комплексида ҳам текшириш ўтказилади. Камомади қандай ёпаман?»

Ж.Зуфаровнинг хавотирланиши бекорга эмас экан: «TOSHKENTDONMAHSULOT» ОАЖнинг омукта ем комплексидида ўтказилган тешириш давомида унинг жавобгарлигидаги емдан 283,1 тонна 53 млн. 138 минг 475 сўмлик, тайёр холдаги омукта емдан 54 тонна 9 млн. 507 минг 564 сўмлик, жами 62 млн. 646 минг 39 сўмлик камомад аниқланган. Шунингдек, ем гранула маҳсулотидан 283,1 тонна 53 млн. 138 минг 475 сўмлик, тайёр холдаги

майдиди. Жиноят ишлари буйича Тошкент шаҳар Ҳамза тумани судининг ҳукми билан Ж.Зуфаров ҳам жиноий қилмишларига яраша жазосини олди. У томонидан етказилган моддий зарар дастлабки тергов даврида ихтиёрий равишда тўлиқ қопланди.

Маълумки, иқтисодий жиноятчилик жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар ва бунёдкорликка тўсиқ бўлувчи иллат саналади. Шу сабабдан ҳар қандай давлат жамиятга улкан моддий ва маънавий зарар етказувчи бу иллатқа қарши жиддий кураш олиб боради. Мамлакатимизда ҳам бу йўналишда муросасиз кураш олиб боришмоқда.

Баҳром МАХСИТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

Инсоният учун табиатнинг ўзи бир мўъжиза. Бирок болалигимизда ҳар қадамада учраб турадиган табиат безаклари, жозиба-ў гузалликлар шиддатли суръатда йўқолиб бораётгани айна ҳақиқат. Ҳозир тоғларимизу боғларимиз шип-шайдон. Бунга табиатта шарфқатсизларча муносабатимиз сабаб.

Ўзга элнинг боғидан ўз юртининг янтоқзори ҳам афзал, деб бежиз айтишмаган.

ларимизнинг ўзларини табиатга меҳр руҳида тарбиялаш керак экан, деган хулосага келдик. Ўтказилган текширишлар жараёнида аниқланишича, тумандаги айрим фуқаролар юқорида қайд этилган қонун талабларини қўпол равишда бузиб, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни гайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ва йўқ қилиш билан шуғулланганлар.

ати йўлида ўзбошимчилик билан кесиш, ўсимлик дунёсига жами 731 минг 844 сўмлик зарар етказган.

Худди шунингдек, фуқаро Шуҳрат Турсунов ҳам тумандаги Чармгар маҳалла фуқаролар йиғини Навоий қўчаси, 19-ўйда яшаб келиб, даррахлар, буталар ва ниҳолларни гайриқонуний равишда кесиш, йўқ қилиш билан шуғулланиб келган. Жумладан, у ту-

ялар қурилиши билан боғлиқ холдагина маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофиза қилиш Давлат қўмитаси билан муҳошилан қарорларига биноан йўл қўйилди», деб кўрсатилган.

Тўғри, жарима билан кесилган даррахларни ўрнига келтириб бўлмайди. Лекин шу нарсани унутмаслигимиз лозимки, Она та-

ТАБИАТГА ОЗОР БЕРМАНГ!

Тўғилиб ўсган ерига меҳр қўйиш, шу туйғуни фарзандларига, ниҳол каби ўсиб келаётган ёш авлод қалбига сингдириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

Аммо фарзандларини она табиатга меҳр руҳида тарбиялаш учун кишининг ўзи шу руҳда тарбияланган бўлиши керак. Китоб тумани прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофиза қилиш тўғрисида»-ги қонуни ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда айрим юртдош-

Жумладан, тумандаги «Муҳаммадали Расанзода» юридик дехқон ҳўжалиғи раиси Муҳаммадали Сафаров ўз ҳўжалиғи худудидан 5 донга, йўғонлиғи 50 сантиметрге ва 1 донга, йўғонлиғи 43 сантиметр бўлган соғлом чинор даррахларини ўз манфаати учун ўзбошимчилик билан кесиш, ўсимлик дунёсига жами 619 минг 684 сўмлик зарар етказган.

Шунингдек, Қудрат Холиқов тумандаги «Шерзодбек Қудрат ўғли» фермер ҳўжалиғи худудидан 36 тул соғлом теракни ўз манфа-

ман ветеринария бўлимида қорувул бўлиб ишлаб, у ердаги 12 тул терак, 3 тул тол, 3 тул тул, жами 18 та даррахтни ишлаштиш мақсадида ўзбошимчилик билан кесиш, 638 минг 520 сўмлик зарар етказган.

Ваҳоланки, «Ўсимлик дунёсини муҳофиза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»-ги қонуннинг 15-моддаси 2-қисмида «Ўрмон фондига қирмайдиган даррах ва буталарни кесишга факат санитария мақсадларида ҳамда бинолар, иншоотлар ва коммуникаци-

биятни, унинг ҳар бир ниҳоли ва гийҳини асраш ҳар биримизнинг бурчимиз. Улар биз учун ризқ-рўз бўлиши билан бирга, саломатлигимизга, умримиз узайишига хизмат қилади. Урик ёки жийда бўладими, чинор ёки оддий бута бўладими, табиатнинг бир бўлагиди. Шундай экан, унга сира завор етказмайлик!

Баҳром ЭРКАЕВ,
Китоб туман прокурори,
Норбўта ҲОЗИЕВ, журналист

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Амир Темури қонунчилиги бўйича, ҳар бир шахзода зафар қучиб, юрт эгаллар экан, қўл остидагиларга инъомлар бериши, рўбталарни қўтариши лозим бўлган. Самарқандни эгаллаган Бобур ҳам бунга амал қилади, бироқ бунда бир хатоликка йўл қўяди ва буни ўзи ҳам сезган чоғи, таъкидлаган. У беклар орасида анча лаёқатли, лашкарни ўз атрофига тўллашда қобилиятли, моҳир қиличбоз Аҳмад Танбалнинг Андижон тахтига қўз олайтириб юришини сезар, айна пайтада уни бу шаштидан қайтариш, ўз таъсирида қолдириш мақсадида Самарқанд фатҳидан сўнг унга ортиқча иноят қилган.

Аҳмад Танбал эса Бобурнинг Самарқандда ҳукм суришини истар, ўзи эса зудлик билан бориб Андижон тахтига ўтиришни орозу қилар эди. Кейинроқ Бобур ўзининг бу хатосини англайди, салтанат тартибини бузганлигини, адолат мезони оз бўлса-да бузилганлигини ўзи «Бобурнома»-да кўп эслайди. Унинг бу қонунга хилоф ҳаракати Андижон тахти учун курашган Аҳмад Танбал билан узоқ кураш олиб бориши, балки Мовароуннаҳрдан кетиб қолишига сабаб бўлади. Бунда энг муҳими, Бобур бу хатосини ўзи тан олиб адолат билан «Бобурнома»-да келтирилганлиги, мавжуд темурий қонунқондаларни бузиш хунук оқибатга келтиришини таъкидлагандир. Чунки, Заҳириддин Бобур ҳали аҳолиси таланган, оч, харобага айланган Самарқандни ташлаб чиқиб кетмасидан олдин Бобурнинг яқин беклари-

роқ ноилохлигича қолади («Хон тилаб туруб, Жаҳонгир мирзога берилса, хон била тамоғи ЯҚРУ бўлмоқ керак эди»).

15 яшар Бобурнинг давлат тузилиши, унинг бошқаруви ва сиёсий ҳолатини ҳар томонлама мулоҳазала таҳлил этганлиги жуда диққатга лойиқ. Бунда Бобур салтанат сиёсати ва унинг тартиб-қоидаларини жиҳдий кўриб чиқиб, адолатли ҳукм чиқариш лозимлигини, сиёсий иқти-

Темурий ҳарбий қонунлар маглуб томоннинг мол-мулкни мусодара этиш, уни голий лашкарларга бўлиб бериш, айрим тартибини бузганларни жазолашни муҳораба қоида-сиғига биноан амалга оширилган. Айниқса, Бобурнинг беклари душмани «тараҳхум қилиб туттирилмас, ё талатилмас, бизинг била қозоқликларда ва меҳнатларда бўлган жамоатнинг ҳозир таниғон молларига бори фармон шахсима,


лигини, салтанат ягоналигини истаманган Аҳмад Танбални эса улар қўллаб-қувватлаётганларидан фиғон этади. У кейинроқ бу кимсаларнинг дастидан кўп озор чеканлигини надомат билан баён этади: «Менда ҳам онча ихтиёр ва иқтидор қолмадиким, бу навъ номасқул ҳаракатлардин уларни манъ қила олғаймен. Не жиҳатдинким, Танбалдек душман мунинг орқа ва ҳимояти, ҳар не кўнгуллари тилар эди, андоқ қилурлар эди. Ажаб нозук маҳалли эди. Ҳеч нима деб бўлмас эди, Бу оталиқ-ўйилуктин ул муддатда ғалаба хорлиқлар тортилди».

«Бобурнома» — муаллифнинг умр дафтари, армонлари китобидир. Унинг саҳифаларини муглоба этиб, кўп илмдан хабардор бўлишимиз қатори, Бобурнинг инсоф тарафдор, тартибга ўта rioя этувчи ҳукмдор, адолатга имкон қадар суяниб иш кўрганлигини кўраимиз, шахс сифатидаги хислатларини ҳам билиб оламиз. Айниқса, салтанатни бошқариш, давлатчилик қоида-қонунларига қаттиққўллик қилган Бобур бу тартибни бузган ҳар бир шахсга кими бўлишидан қатъи назар муросасиз муносабатда бўлган.

Куйидаги икки мисолимиз Султон Хусайн Бойқарога оид. Бобур бу темурий султон ҳақида эҳтимол барча замондошлари, тарихчиларга

экан, шунчалик катта тажрибага эга султон Хусайн Бойқаронинг бунчалик соддадиллик билан хатоликка йўл қўйганидан эмас, қонунчиликини бузганлигидан афсусланади. Бобурнинг бу фикрида фарзандларини ички қарама-қаршиликларга солиб қўйган ночор ҳукмдорнинг аянчи аҳоли танқид қилинмоқда. Бобур «ҳаргиз подшоҳликта ширкат аштирилган эмас» дер экан, Хусайн Бойқаро салтанат бошқарувида адолатни бузган, ўша давр қонунчилигига rioя элмаган шахс сифатида баҳо олмақда: «Бадийуззамон мирзо била Музаффар мизрони Ҳири тахтида баширкат подшоҳ қилдилар... Бу ғариб амре эди, ҳаргиз подшоҳликта ширкат аштирилган эмас. Шаїх Саъдий сўзининг мазмунининг хилофи воқеа бўлди: «Даҳ дарवेश дар як гилеме бихусбанд ва ду подшоҳ дар иккле мена нағунҷанд» (мазмуни: Ун дарवेश бир гиламга сиғиб ётарлар, икки подшо бир иклимга сиғмайди).

Бобурнинг кўпинча ҳатто фуқароларга нисбатан ҳам қонунчилигининг элементар томонларига rioя қилишга, адолат, имон юзасидан иш тутишга интиланлигини кўраимиз. Бунга бир-икки мисол келтирамиз. Бобур Афғонистоннинг Нингахори (бугунги Жалолобод вилояти) да бўлиб, бир жойга ётганда амакиси



«Неча жиҳатдин мумкин эмас эрдиким...»

Бобурнинг адолат ва қонунга муносабати

дан бири Узун Хасан мавжуд қонун ва тартибларни бузиб, тарафдорлари ва шахсий манфаатини қўлаб, Бобурга хиёнат қилади («Бу фитналари анғиз қилғучи, мундин қочиб борғонларни ёмонликка тез қилғучи худ Узун Хасан ҳаромнамак экандур»). Бу даврда темурийзодалар орасида мулк тақсимоти тартиб-қонунни белгиланган бўлса ҳам, Бобурнинг хон додасини йўлдан уриб, уни Андижон мулкидан маҳрум этишадиларки, буни надомат билан, қонунчиликлари ҳал ҳол сифатида эвади: «Бу фурсуттаким, аксар черик эли ва мўғуллар тамоғи қочиб Андижон ва Ахсига бордилар, Узун Хасан ва Танбал ул вилоятларни Жаҳонгир мирзога тамаъ қилдилар. Неча жиҳатдин мумкин эмас эрдиким, аларга берилағи. Бири улким, агарчи хонга бу вилоятларни ваъда қилилмайдур эди, вале хон тилаб эди...»

Заҳириддин Бобурнинг темурийлар салтанатидаги давлатчилик, мулк бўлиш ва унга эғалик қилиш хисси шахзода ва бекларда мавжуд қонунчилигини бузишга, ўша даврда мулкка эга бўлиш қоидаларини поймол этишга олиб келганлигини юксак идрок этиб таъсирлаганини кўраимиз. Бобур фикрича, бир темурийзодиннинг омадсизлиги, хатоси ёки муҳорибадаги камчилиги мавжуд тартиб ва амалдаги қонунчилигини бузилишига асос бўла олади. У «неча жиҳатдин мумкин эмас эрдиким...» деб бу ҳаракатларни гайриқонунийлигини исботлашга қиришади. Бу тун умри давомида Амир Темури салтанати, империяси яқинлигини асрашни орозу қилган Бобур унинг бу кенг салтанатнинг парчалашиб кетиши, майда феодал султонликларга тарқалиши, энг аввало, темурийлар қонунчилиги, тартиб-қоидаларига rioя этмаслик, маънисизлик, адолатни поймол этиш билан тенг эди. Ёш султон Бобурда бу лок туйғулари шўл ураб экан, унинг кўз ўнгига ҳатто хон бобоси, юртининг йирик саркардалари у ёки бу ҳолатда бу қонунларни бузиб туришларини кўриб, даҳшатга тушади, бу ҳолатни тушунишга ҳаракат қилади, би-

роз пайтида бундай номувофиқ қарорларга келиш давлатчилик қонунларини бузиш билан тенглиги, адолат мезони бузилганлигини алоҳида таъкидлагани муҳим: «Яна бир буким, мундоқ маҳалдаким, элқочиб ул вилоятқа борди, таҳаккум тарихи била тамаъ қиладур, агар бурунроқ бу сўз арода бўлса эди, филжумла важи бор эди аларнинг таҳаккумини ким тортор бўлғай?»

Бобур ўзининг бу эътирозини темурийлар салтанатида мулк бериш қонунини поймол этган амакиси Султон Маҳмудхонга нисбатан айтмоқда. Самарқанд ҳокими Султон Абу-саиднинг ўғли бўлган бу шахс ҳақида Бобур жоҳил, саводли бўлса-да, илм аҳли қадрига етмаган мумкиш шахс сифатида сўз юритади. Бунда ҳам Султон Маҳмуднинг салбий жиҳатлари қалқиб чиққан. У мулгирилик қондасини бузган, адолатни поймол этиб муҳорабага ҳисса қўшмасдан «ўз улушини сўраган, бу эса ўша давр мулк бўлиш тартибига унчалик эди бўлмаса-да, айнан бу ҳолатда Султон Маҳмуднинг адолат мезонини бузганлиги билан тенг бўлган. Бобур бир неча далилларни келтириб, буни исботлайди: «Самарқандни олмоқ дояиса била неча йилким баҳид черик тортар эдук, Султон Маҳмудхондан агарчи муьтадун бир мадда ва кўмак бўлмас эди, вале Самарқанд фатҳидан сўнг Андижонни тамаъ қилур эди».

Султон Маҳмудхоннинг бу қонунбузарлиги етмагандек яна бир гуруҳ мулкпарастлар, шахсий манфаат деб буюк империяни хомталаш қилганлар орага қирадики, буларни ҳам Бобур юқоридаги қарашлари билан инкор этади, бир эмас бир неча асослар билан исботлайди: «Бу фурсеттаким, аксари черик эли ва мўғуллар тамоғи қочиб Андижон, Ахсига бордилар, Узун Хасан ва Танбал ул вилоятларни Жаҳонгир мирзога тамаъ қилдилар». Ўзтибор берилайки, Самарқандга эғалик қилиш мақсадида биргина тарихий воқеа заминнда эғалик қилиш зарур эмас, эди...»

Амир Темури салтанатида муҳорабаларни қонунчилик асосида олиб бориш, юрт бўлиш, сулҳ тузишда шу қонунларга амал қилиш энг шарт жиҳатлардан ҳисобланган. Бунга қўпгина тарихий мисаллар далолат беради. Мана бу мисол ҳам Бобурнинг Андижон ҳукмонлиги даврида унга содир этилган қонунбузарлигини бири бўлган. Биринчидан, Бобурнинг тағойиси ва беки Али Дўст ва Қанбар Али Аҳмад Танбал томонига ўтиб, Бобурга қарши иш тутдилар. Бобурнинг Аҳмад Танбал билан бўлган навбатдаги курашида бу шахслар сулҳни ўртага соладилар ва Бобурга бу сулҳ тенг даражада имкониятлар яратилишини айтидилар. Бунда Бобурнинг муҳолифлари унинг ёшлиги, атрофдагиларнинг камтажрибалигидан фойдаланиб, вақтни ютиш учун сулҳ қонуниятини буздилар. Бобур эса, «чун икки улғур бек бу икки мардақ эди, агар буларнинг сўзига қулоқ солмай сулҳ бўлмаса, ўзга эҳтиمولлари ҳам бор эди», дейди: «Менинг ва менинг давлатхоналаримизнинг бу ярашдин асло илм ва хабарлари йўқ эди ва бизлар бу суратқа асло ризо бермас эрдук. Зарурат бўлди, бу йўсулук сулҳ бўлди...»

Сулҳдан сўнг бу фитнагарлар Бобур бошига кўп қулфатларни ёдидардилар. Бобур бу мисолиларни тартибга қўйиб, қонунбузарликларнинг олдини олишга ожиз экан-

нисбатан энг объектив, ҳалол баҳо берган шахсдир. Хусайн Бойқаро Хуросонни 37 йил бошқарган султонлигига қарамасдан, Бобур унинг давлатчиликка оид қонунларга хилоф иш тутганини қаттиқ танқид этади. Бобур фикрича, салтанат хазинаси даҳлсиздир. Ундаги бойлик фақат султон, шоҳнинг қаттиқ назоратида туриши, унинг амр-фармони орқали сарфланиши мумкин. «Бобурнома»-да муаллиф Хусайн Бойқаро умароларининг зикрида унинг Музаффар Барлос исми бекига таъриф беради. Бобур фикрича, салтанат бошлиғи ҳеч вақт тасаруфиде бўлган, ҳатто ўзига тегишли бойлиқни биров билан шериклик тариқасида баҳам қўрмаслиги керак. Унинг фикрича, бунга султоннинг энг яқин фарзандлари, уругига мансуб шахс бўлса ҳам йўл қўйиш мумкин эмас. Бироқ, Хусайн Бойқаронинг бир рафтори, қарори Бобур фикри, ақлига сиғмайди. Унингча, бу Хусайн Бойқаронинг салтанатда иқтисодий қонунчилигини бузиши, унга rioя этмаслигининг ўзгачасидир: «Яна Музаффар барлос эди. Мирзонинг (яъни Хусайн Бойқаронинг – Х.Қ.) қазоқликларида (муҳорабаларида – Х.Қ.) бор эди. Билмон, мирзога қайси таври хуш ёқиб, асру улуг rioя қилиб эди. Ўзтибори бу мартабада эдиким, Султон Хусайн мирзо қазоқликда анинг бирла мундоқ шарт қилиб эдиким, ҳар вилоятким мусаҳар бўлса, «чаҳор донг мирзонинг бўлғай, ду донг анинг. Бу ажаб шартедур, подшоҳликка қачон рост келгайким, бир қараж ў кишини ўзи била шарик қилғай. Ини-ўғил била бундай шарт мундасар бўлмас. Бек киши била худ нечук муяссар бўлур? Тахт олгондин сўнг бу шарттин пушаймон бўлди, вале суд қилмади».

Хусайн Бойқарога оид мана бу мисолга ҳам эътиборингизни қаратмоқчимиз. Бунда иқтисодий қонунбузарлик эмас, балки сиёсий жиҳатдан темурийлар салтанати қонунчилигини бузишга қаратилган бўлиши мумкин. Бобур Хусайннинг бу ишига «бу ғариб амре эди» деб баҳо берад

Улғубек мизродан қолган бир боғ-ховлига қўзи тушади. Боғнинг дид билан қурилганлиги, шинамлигини Мовароуннаҳр боғ-ҳовлиларини эслатган бўлса, иккинчидан, темурийларга мансуб қичкина маконга эғалик қилиш хисси уйғонади. Бобур юрт султони сифатида боғни мусодара қилиб олиши қонунга хилоф эмаслигига қарамасдан, унинг эғасига нарҳидан кўп хисса қилиб ҳақ бериб, ризолигини олгандан сўнг эғалик қилади: «Бу кентта (яъни Исталфида – Х.Қ.) Боғи Калон отлик, Улғубек мизронинг бир мансуб боғи бор эди. Мен эғаларига баҳо бериб олдим».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур лашкарларини озиқ-овқат, мол емишлари, турар-жой ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашни ўзининг биринчи галдаги вазифалари қаторига қиритган. Чунки, у мумкин бир жойда туриб жанг олиб бормаган. Муҳораба қаерда олиб бориламас, лашкарнинг қўним, озиқ-овқати, хуллас барча муаммоларини ўша макон билан боғлиқ қал қилишга тўғри келган. Шунга қарамасдан, у имкон қадар ўша жой тартиби ва муҳораба қонунчилигини четта чикмасликка ҳаракат қилган, инсоф даражасида иш тутишга интилган. Қуларнинг бирида Афғонистонда лашкарларидан бири бир йўловчининг ёғ, гуруч ва бошқа буюмларини зўрлаб олмоқчи бўлади. Бундан хабар топган Бобур нафақат бу йўловчига мулкни қайтаради, барчанинг қўз ўнгига шу аскарини ҳатто қатл эттиради.

Заҳириддин Бобурнинг қонунчиликлари бўлган муносабати, ўз даврида адолатли подшоҳ бўлишга интилиши бугунги авлодда ҳам мавжуд қонунларнинг устуворлигига амал қилиш, улarga шахсиз бўлишини, атрофдаги ҳар бир воқеа-ҳодисаларга адолат тарозиси билан ўлчов бериш хиссини тарбиялашга ҳизмат қилади деган умиддамиз.

Хасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор,
Халқаро Бобур муқофоти лауреати

(Давоми. Бошдаги 1-бетда).

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар изчил давом этмоқда. 2008 йил 1 майда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида адвокатуранинг институти янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юриштириш ҳар қандай бошқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш ва малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатлик касбининг обрўси ҳамда нуфузини оширишга қаратилган маъмурият ҳужжатини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўзининг ҳаётийлиги ва долзарблиги билан ҳам аҳамиятлидир. Қолаверса, ҳалқимиз дунёқараши ва ҳуқуқий онгида юз бераётган чўқур ўзгаришлар мана шундай долзарб вазифани ҳал этишни тақозо этаётди.

дастури тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мутасаддиқ аниқ яна бир бор тасдиқлади. Бу дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланди.

— 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда қамоққа олиш учун санкция бериш ваколати судларга ўтказилди. Бунинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини, жинсий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотлар натижасида ўлим жазосини қўллаш соҳаси босқичма-босқич камайиб борди. 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосининг жазо тизимидан бу-

жараёнида Олий суд судьялари ва мутахассислари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 2008 йили Олий суднинг қонунчилик ташаббусидан фойдаланиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида киритган тақлифимиз иннобатга олинди. 2008 йил 12 апрелдан бошлаб, жиноятга тайёрганлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишига суъқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори Жино-

ланган шахснинг, балки гувоҳнинг ҳам ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини адвокат орқали амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилди.


Ҳимоячига берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доираси кенгайтирилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 197-модда билан тўлдирилди, яъни адвокатнинг профессионал фаолиятига тўқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Умуман айтганда, Олий суд судьялари ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, шунингдек, бошқа ваколатли идоралар томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлар таркибида 57 та қонун лойиҳаси ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Бу йўналишда хорж экспертлари иштирокида ўтказилган қатор халқаро семинар, тренинг ва конференцияларда қатнашди.

— Умумириқлиқ судьяларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлик-

юрисдикция судьяларининг Олий малака ҳайъати, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака хайъатлари томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунини, шунингдек, Олий суд пленумининг 2007 йил 14 декабрдаги «Умумий юрисдикция судьялари кадрлар билан ишлаш ҳолати ва судьялар томонидан судьялик қасамёғида риоя этилиши масалалари тўғрисида»ги қарориди судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахс эканлиги, уларга юқори мартаба эгаси сифатида алоҳида талаблар қўйилганлиги таъкидланган. Шу босис судьялик лавозимларига масъулиятли, билимли, ўз вазифасига ва қасамёғида содиқ, пок виждонли кадрларни тайинлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эътироз этиш керак, ҳозир судьяларимиз ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилан амалга ошириб



ОДИЛ СУДЛОВ – ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 23 июнда қабул қилинган «Суд қончилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори судлар ишини янада такомиллаштиришда муҳим омили бўлмоқда. Олий суд ҳузуридаги бу марказ одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу одил судловни амалга оширишнинг замонавий ва халқаро мезонларини чўқур ўрганиш ва мамлакатимизда татбиқ этиш, соҳага оид қабул қилинган ҳужжатлар самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасидаги бундай кенг қамровли ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий халқаро ҳужжатга қўшилди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилати томонидан бу соҳада қабул қилинган олтинчи асосий шартнома қатнашчидир. 2008 йил 1 майда Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар

тунлай чиқарилиши давлатимиз раҳбари юрифтаётган сиёсатнинг инсонпарварлик тамойилларига асосланганининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Шу ўринда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган «Habeas Corpus Act» қонуни ҳамда тўхталиб ўтсангиз, «Habeas corpus» атамаси лотинчада «шахсни судга келтириш» деган маънони англатади. Буқамоққа олиш тарзидаги эътиёт чорасининг судларга ўтказилиши ва шахс судга келтирилган ҳолатига унга нисбатан бу турдаги эътиёт чораси қўллаш демокдир. Бугунги кунда «Habeas corpus»нинг барча талаблари миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топган.

Мазкур ислохотларнинг давомий сифатида Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидалари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принциплари ва меъёрлари Ўзбекистон қонунчилигида амалиётга киритилди.

— Жиноят-судлов ишларини юриштириш инсонпарварлик ва одиллик принципларини татбиқ этишга доир яна қандай чоралар амалга оширилмоқда?

— Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонунчилик ташаббусидан кенг фойдаланилмоқда. Соҳага доир қонунлар муҳокамаси ва қабул қилиниши

ят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисми доирасида белгилашни қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Маълумки, Президентимиз Ислам Каримовнинг тақдимиға биноан Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг муҳим жиҳати ва аввалгиларидан фарқи шундаки, унда назарда тутилган шахсларни жазодан ёки жавобгарликдан озод этиш масаласи фақат судлар томонидан ҳал этилади бўлди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жиноят-процессуал кодекси ишни судга қадар юриштириш босқичида амнистия актини қўллаш масалаларига доир алоҳида 63-боб билан тўлдирилди. Эндилдиқда амнистия аклари фақат судлар томонидан қўлланилади.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Сенатининг XVI ялпи мажлисида мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигига яна бир муҳим янгилик — «Гувоҳнинг адвокати» деган янги 66-модда киритилди. Қонунчилигимизда нафақат жинсий жавобгарликка тортилаётган ёки жабр-

ларини, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоялаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Утган йили Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми мажлисида суд амалиётини тўғри йўналтиришга қаратилган еттига қарор қабул қилинди. Ишларни кўришда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш масаласида суриштирув, тергов органлари ҳамда судларга батафсил тушунтиришлар берилди. Олий суд раёсати йиғилишларида судларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятини тўғри йўналтиришга қаратилган 22 масала муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

— Соҳадаги ислохотлар ривожига малакали кадрлар алоҳида ўрин тутаяди. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, ҳар қандай ҳаётий муаммони ҳал этиш зарурати заковатли кадрларга бориб тақалади. Бу масала Олий суд тизимида қандай ҳал этилмоқда?

— Дарҳақиқат, малакали кадрларни тайёрлаш, ўқитиш ва маҳоратини ошириш доимий вазифа-ринимиздан. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси, умум-

келмоқда.

Судья адашиши мумкин эмас. Унинг хатоси нафақат маъмул учун, унинг ортида турган ўша инсонлар, қолаверса, бутун жамият учун жуда қимматга тушади. Бу хато бутун тизимни обрўсизлантиради. Зеро, судьяларнинг нафақат процессуал қонун талабларини бажариши, балки уларнинг ахлоқ-одоби, юриш-туриши ҳам эл назаридадир. Масъулиятсиз ва одоб-ахлоқ қоидаларини менсимайдиган ҳар қандай ходимнинг суд тизимида ишлашга ҳаққи йўқ. Ана шундай жиҳдий эътибор тўғрисида 2008 йил 106 нафар судьяга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди, 3 нафар судьянинг судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш ҳақида ҳулоасага келинди. Шу билан бирга, таассуф билан айтиш мумкинки, 4 нафар судья судьялик қасамёғини бузганлиги учун жинсий жавобгарликка тортилди.

Энг муҳими, судьяларимиз фуқаролар, давлат ва жамият олдидаги юксак масъулиятини яхши англайдилар. Бу борада амалга оширилаётган ишларимиз изчил давом этади. Хар бир судья ўз ваколати ва вазифасини қонун доирасида виждонан, ҳолисона, бегарас амалга ошириши доимий эътиборимизда бўлади.

ЎА муҳбири
Ҳусниддин БЕРДИЕВ сўхбатлашди

Ижро иши юритуви тақомиллаштирилмоқда

Суд қарорларини ижро этишнинг самарали тизимини яратиш мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасида ўтказилаётган ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Шу босис мазкур соҳага тегишли ҳуқуқий асосларни янада мукамаллаштириш максидида 2001 йилдан амал қилаётган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган, жорий йилнинг 14 январдан кучга кирган «Ижро иши юриштириш тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан тўлдирилди.

Мазкур қонунга мувофиқ ундирувни қарздорнинг қаратилиши мумкин бўлган мол-мулкларининг сираси кенгайтирилди. Жумладан, қонунга янги киритилган 48⁴-моддага мувофиқ, ундирувни қарздорга тегишли бўлган мулкий ҳуқуқларга (қўчмас мулкни узқ моддатли ижарага олиш ҳуқуқи, ер участкасига доимий ёки умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ва ҳоказо), 48⁵-модда асосида ундирувни дебиторлик қарзига, 48⁶-моддага кўра эса ундирувни суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит ҳисобварақаларида вақтинча сақланаётган қарздорга тегишли пул маблағларига қаратилиши белгилаб қўйилган.

Айни чоғда ушбу қонун асосида Ўзбеки-

стон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал, Ер, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, «Дехқон ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги ва «Банкротлик тўғрисида»ги қонунларига суд қарорларининг сўзсиз бажарилишини, мансабдор ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини оширилишини, ижро иши юриштириш тақомиллаштирилишини таъминлайдиган ҳуқуқий нормалар киритилган.

Масалан, суд қарорини бажармаганлик ёки унинг бажарилишига тўқинлик қилганлик учун муқаддам фақат мансабдор шахслар-

нинг жинсий жавобгарлиги масаласи қўриб келинган бўлса, Жиноят кодексининг янги тахрирдаги 232-моддаси 1-қисмига мувофиқ, унинг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш максидида жисмоний шахсларнинг ҳам жинсий жавобгарлиги кўзда тутилган.

Фақат бундай жавобгарлик вужудга келиши учун мансабдор шахс ёки фуқаро Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янгидан киритилган 198¹-модда асосида (қарздорнинг ижро ҳужжатини унинг ихтиёрий равишда ижро этилиши учун белгиланган муддатда ўзриси сабабларга кўра ижро этмаслиги ёки унинг зиммасига муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини ўзриси сабабларга кўра суд ижросини белгиланган муддатда ижро этмаслиги) маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши керак.

Шу билан бирга, суд қарорларини мажбурий ижро этиш чоғида ундан бўйин товлаганлик, ижросига тўқинлик қилганлик ва бошқа ҳолатлар юзасидан ўтказилаётган суриштирувнинг

сифатини ошириш, бу борада тежорликни таъминлаш максидида Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддасига янги 9-банд киритилди. Унга кўра Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳудудий бошқармаларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларига Жиноят кодексининг 122, 123, 232 ва 233-моддаларда кўрсатилган жинсий қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан суриштирув ўтказиш ваколати берилган.

Бундан ташқари, мазкур қонунга мувофиқ юқорида санаб ўтилган қонун ҳужжатларига ҳам бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилган бўлиб, уларнинг барчаси ижро иши юритувини янада тақомиллаштиришга қаратилган чоралардир.

Равшан ҲАФИЗОВ,
Бош прокуратура Олий ўқув курслари
тинловчиси

— Содиқ Саидович, сиз раҳбарлик қилаётган валютага оид жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва унинг олдини олиш бўлими ўтган йилда қандай натижаларга эришди, олдларингизга қўйган вазифани тўла адо этдиларингизми?

— 2008 йилда амалга оширилган ишлар тўлиқ таҳлил қилиб чиқилди. Амалга оширилган тезкор-тадбирлар натижасида валютага оид 649 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, 333 та жиноят иши қўзғатилди ва 316 та маъмурий ишлар юритилди.

Ноқонуний муомалала бўлган 766,8 минг АҚШ доллари, 7,2 минг Евро, 500,5 млн. Ўзбекистон сўми, 1 млн. Россия рубли, 2,6 млн. Қозғистон тенгеси, 97,7 минг Қирғизистон соми ва 55,7 млн. сўм

монидан ўтказилган тадбирда, А.Миразинов ва А.Қосимовлар харидор К.Мусабековага 10 минг АҚШ долларини 15 млн. сўмга сотган вақтида ушланди. Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда эса фуқаро Б.Арипходжаев ва Д.Файзиёвлар харидор Д.Искандаровага 10,9 минг АҚШ долларини 15,1 млн. сўмга сотаётган вақтда қўлга олинган.

Департаментнинг Булунгур туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро М.Алимова ноқонуний равишда харидор Ж.Исомидиновга 200 АҚШ долларини 278 минг сўмга сотган вақтида ушланиб, ундан 6481 АҚШ доллари, 50510 Россия рубли, 5000 Қозоқ тенгеси ва 6,5

ган банк ходимларига нисбатан 7 та жиноят иши қўзғатилган. Жумладан, департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда АТ «Ипотека банк»нинг С.Раҳимов филиали бошқарувчиси А.Усманов, ўринбосари Ф.Далабаев, кассир Д.Ирисбаева, кассир назоратчиси Ж.Кутумовлар филиалнинг 26033081-сонли валюта айрибошлаш шохбасида фуқаролар Қ.Исроилов, М.Поёнов ва А.Ҳасанова 7 минг сўмдан ҳақ эвазига 15 минг АҚШ долларини 20,1 млн. сўмга ноқонуний равишда сотган пайтида ушландилар. Улардан жами 20 минг АҚШ доллари далилий ашё сифатида олинган.

— Миллий валютамизда «Ўзбекистон сўмини қалбакилаштириш қонунга мувофиқ

муш ўртоғи М.Назаров 2008 йил 9 июль куни Ангрэн шаҳар «Гурум» маҳалласидаги мол бозорида ўзининг бир бош қўйини нотаниш шахсга 50 минг сўмга сотгани ҳақида кўрсатма берган. Харидордан 50 дона 1000 сўмлик купюрада бўлган 50 минг сўмини олганлиги, ушбу пулдан 22 минг сўмини турмуш ўртоғи М.Назаровага бочча ҳақи учун берганлиги, 17 минг сўмини бошқа мақсадларда ишлатганлиги маълум бўлди.

Текширув якунида 1000 сўмлик купюрада 33 минг сўм миқдордаги қалбаки пуллар далилий ашё сифатида олинган.

— Мамлакатимизда ишнинг қўзғилиши билган тадбиркорлар учун барча имкониятлар етарли. Бироқ, уларнинг айримлари қону-

Даромад қонуний бўлмаса...

Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖДАКК департаментининг бўлим бошлиғи Содиқ АЧИЛОВ билан суҳбат

миқдоридида қимматбаҳо металл ва заргарлик буюмлари далилий ашё сифатида олиб қўйилиб, давлат эгаллигига ўтказилди.

Департамент органлари томонидан валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган норматив ҳужжатлар ижросини таъминлаш, валюта соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни фош этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Амалга оширилаётган саяё-ҳаракатларга қарамадан, сергавжум кўчаларда, бозорларнинг кириш жойларида «доллар оламан», «Россия рубли»ни сотаман дейдиган валютафурушларни ҳамон учратиб мумкин. Уларнинг қонунга зид ҳаракатларининг олдини олиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Хорижий валюталарни ноқонуний равишда муомалала қилиш билан шуғулланаётган шахсларнинг фаолиятига ўз вақтида ҳуқуқий баҳо берилиб, уларга барҳам берилмоқда.

Жумладан, департамент ходимлари то-

млн. сўм далилий ашё сифатида олинган.

— Хорижий валюталарнинг «қора бозорга» чиқиб кетишида айрим нопок банк ходимларининг қўли борлиги ҳеч кимга сир эмас.

— Бу бор ҳақиқат. Беш қўл баробар эмас деганларидек, айрим қўли эгри банк ходимлари нопок кимсалар билан жиноий тил бириктириб, хориж валюталарининг банкдан ноқонуний йўллар билан олинишига кўмакчи бўлишмоқда. Таҳлиллар ҳақида тўхталадиган бўлсак, ваколатли банклар ва валюта алмаштириш шохбачаларининг айрим ходимлари валюта қимматликларини ноқонуний алмаштириш билан шуғулланувчи шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктирмоқда. Ана шундай 7 та ҳолат аниқланиб, 72,2 минг АҚШ доллари ва 2,2 млн. Ўзбекистон сўмининг ноқонуний айлинишига чек қўйилди.

Бундай ҳуқуқбузарликлар АТ «Туронбанк», АТ «Микрокредитбанк» ва бошқа банк тизимига кирувчи банк муассасаларида аниқланган бўлиб, юқорида қайд этил-

таъқиб қилинади», дейилган. Бироқ, айрим кимсалар миллий валютамизни қалбакилаштиришга ҳаракат қилаётгани ҳақида эшитиб қоламиз.

— Ҳаётда меннинг ноқонуний ишимни ҳеч ким билмайди, деб ўйлайдиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Валюта маблағларини қалбакилаштириш ва муомалала қилишнинг олдини олиш борасида олиб борилган ишлар натижасида 2 та ҳолат аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 33 дона қалбаки 1000 сўмлик купюра ва қалбаки 100 АҚШ доллари далилий ашё сифатида олинган.

Жумладан, департаментнинг Ангрэн шаҳар бўлими, прокуратура ва ИИБ ходимлари томонидан Ангрэн шаҳридаги 37-сонли мактабга таълим муассасаси муdiri Е.Курнишевнинг муружаати асосан ўтказилган тадбирда, фуқаро М.Назарова томонидан бола тарбияси учун тулган 22 минг сўм қалбаки эканлиги аниқланди.

Олиб борилган суриштирув ҳаракатлари давомида, фуқаро М.Назаровнинг тур-

ни билсада, ноқонуний даромад дардида жиноятдан қайтмайди.

— Бу фикрингизга мен ҳам қўшилиман. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонунга хилоф равишда товарларни хорижий валютага сотиш, кўрсатилган хизматлар учун чет эл валютасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳолатлари бўйича 115 та жиноят иши қўзғатилди. Ноқонуний ва чет эл валютасида ҳисоб-китобларни амалга оширган ҳуқуқбузарлардан жами бўлиб 943,1 млн. сўмлик моддий товар бойликлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро В.Яковлев чет элда ишлаб чиқарилган, ҳужжатсиз 12 турдаги хўжалик молларини «Baht orzu qurilish» МЧЖ муҳри босилган сохта юк хати асосида харидор А.Ҳабидуллиновага 16,9 минг АҚШ долларига сотганлиги аниқланди.

Суҳбатдош: Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

— Мирзааҳмад Раҳметович, мамлакат тараққиётида қонун устуворлиги муҳим аҳамият касб этади. Беруний туман прокуратураси бу борада ўтган йилда қандай ишларни амалга оширди?

— Туман прокуратураси томонидан қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустақамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашни кучайтириш юзасидан дастур ва иш режалари асосида бир қатор ишлар амалга оширилди дейишга тўла асосимиз бор.

Ўтган йил давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 68 та текшириш ўтказилиб, аниқлан-

кўзғатилди. Тергов даврида ишчиларнинг иш ҳақи тўлиқ ундирилиб берилди. Бошқарма бошлиғи К.Абдуллаев ҳамда бош ҳисобчи М.Юлдашевлар суд томонидан тегишли жазо олдилар.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юртувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 708 нафар шахс огоҳлантирилди, 154 нафар шахс интизомий, 196 нафари маъмурий ва 25 нафари моддий жавобгарликка тортилди. 17 та жиноят иши қўзғатилди. Этказилган 14 млн. 154 минг сўмлик зарар ихтиёрий ра-

бекор қилинганлиги ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилишида ҳам яққол кўриш мумкин. Биргина ярашув институтининг қўриланиши натижасида ўтган йил туманимизда 29 та жиноят иши тугатилиб, 30 киши судланган деган ном олмади.

— Соҳибқирон Амир Темур раҳбарлик лавозимларига тайинлашда кишининг халқпарварлиги, уддабуронлиги, ўз ишига масъулият билан ёндашгани каби сифатларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйит беради. Сиз раҳбар масъулияти деганда нимани тушунасиз?

— Раҳбар аввало, қўл остида қанча одам ишлашидан қатъи

— Инсоният қанчалик тараққиётга интилмасин, афсуски, жиноятчилик ҳам ривожланиб бормоқда. Унинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

— Жиноятчилик азалдан инсоният олдидаги энг долзарб муаммолардан саналади. Унга қарши қандай чоралар қўрилмаган дейсиз. Масалан, ўрта асрларда жиноятчилар қаттиқ қийноқларга солинган. Қўл-оёғи чопилган. Узоқ йиллар ҳибсда сақланган. Ҳатто қатл этилган ҳам. Башарият тараққий этган сари жамиятда демократик қадриятлар қуқор топа бошлади. Инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилди. Бу ерда

прокуратурасининг бу борадаги фаолиятига ҳам тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, прокуратура органлари мамлакатда қонунарга аниқ ва бир хилда рифоъ этилишини таъминлаш вазифасини бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан биргаликда, жамоатчилик мададида таянган ҳолда амалга оширади. Туманимизда 157 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. 30 та овул, маҳалла фуқаролар йиғини бор. Фуқароларимиз ҳафтанинг хоҳлаган иш кунинда бизга муурожаат қилишлари мумкин. Қабул вақти чекланмаган. Ҳеч бир муурожаат эътиборсиз қолдирилмайди. Қолаверса, ходимларимиз ҳар кун иш жойларга чиқиб, одамлар

Халқ дарди билан бирга яшаймиз

— дейди Беруний туман прокурори Мирзааҳмад АЙМАНОВ

ган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 48 та протест, 147 та тақдирнома киритилди. 156 нафар шахс интизомий, 14 нафари моддий жавобгарликка тортилди. 250 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатларини юзасидан 11 та жиноят иши қўзғатилди. Жавобгарлар томонидан давлат фойдасига ихтиёрий равишда 45 млн. 357 минг сўм ундирилди. Шунингдек, судларга 24 млн. 34 минг сўмлик 128 та даъво аризалари киритилди.

Мисолларга муурожаат қилсак, Беруний тумани қишлоқ сув тармоқлари бошқармасида ўтказилган текширишда бошқарманинг 2008 йил 1 март ҳолатига муддат ўтган иш ҳақидан қарздорлик 9 млн. 636,4 минг сўмини ташкил қилгани аниқланиб, жиноят иши

вишда ундирилди.

— Мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг самараси нималарда намоён бўлмоқда?

— Маълумки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу таъминдан келиб чиқиб амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини тўлароқ ҳимоя қилишга қаратилган. Бунинг самарасини жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, халқимизнинг боқий қадриятлари ва анъаналари асосида ярашув институтининг жорий этилганлиги, 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосининг

назар, уларга ҳар жиҳатдан ўрнатилган, темир интизомни биринчи ўринга қўйдиган, маънавияти юксак, қадим пок киши бўлиши керак. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «...қаердаки бепарварлик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожив ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда шўхрелик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади». Узингиз ўйланг, лоқайд одам масъулиятни ҳис қиладими? Шу бонс олдинга қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳамма бирдек масъулиятни ҳис қилиши, ўз вазифасини виждонан бажариши керак.

нафақат жиноятчиларнинг, балки жиноятдан жабр кўрган фуқароларнинг ҳуқуқларини эътиборга олиш керак. Охир-оқибатда шундай умумий хулосага келиндики, аввало жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланиши, қолаверса, одамларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали уларда ҳар қандай қонунбузилиш, жиноятга қарши маънавий иммунитет ҳосил қилиниш шарт. Бу нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки, давлат ва жамоат ташкилотларининг, барчамизнинг вазифамиздир.

— Мирзааҳмад ака, фуқароларнинг муурожаатлари аҳолининг турмуш тарзини, улар дуч келаётган муаммо ва камчиликларни акс эттирувчи қўзғудир. Туман

билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг муаммоларини жойида ҳал қилишга ҳаракат қилинади.

Ўтган йили туман прокуратурасига 401 нафар фуқаро муурожаат қилган бўлса, шуларнинг 118 таси бевосита прокуратура аралашуви билан ҳал этилган. Муурожаатларнинг таҳлили эса фуқароларнинг прокуратурага ишончи йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура ходими ҳам шу элнинг фарзанди. Эл қувончи — унинг қувончи, эл ташвиши — унинг ташвиши. Этни тирноқдан ажрати бўлмайди. Шундай экан, инсон учун халқ дарди билан яшайдиган ортиқ бахт бўлмасе керак.

Суҳбатдош: Нуриддин ОҚНАЗАРОВ

Кечкурун соат тўққизлар чамаси эшик қулфини очиб икки киши кирди. Юзларида қора ниқоб, қўлларида пичоқ. Овозлари ҳам нотаниш.

— Қимирлама, — дея чироқни ўчириб юзига қўл фанарини тутти. Қўлларини чит рўмол билан боғлаб, ташқарига етаклаб чиқинди. Машинага ўтказишди. Машина ҳовлидан чиққач, ярим соатча йўл юришди.

— Уйда қимирламай утир, Дилшод телефон қилади!

Машина кетгач, кўзидаги чит рўмолни ечди. Аллақандай қишлоқ кўчаси. Нарироқда уч-тўрт нафар йигитлар гаплашиб туришди. Уларнинг ёнига бориб «бу қаер», деб сўради.

— Учқўприк туманининг Имом Бокий қишлоғи, — деди йигит-

— деди машинага жойлашиб олгач Дилшод.

Йўл-йўлакай ёнида ўтириб бораётган Дилшод қўл телефонида аллақимлар билан гаплашди. Шаҳарнинг темир йўл вокзали ёнида тагин телефони сўраб олди.

— «Химик» кўпригига ҳайданг, оғайниларим қутишяпти, — деди.

Кўприкка яқинлашганларида оқ «Нексия» машинасининг олдига ўтиб тўхтаб қўйишни сўради.

«Нексия»дан тушган гавдали, йигирма ёшлардаги оқ юзли йигит «ака, машинанинг зўрини олиб-сиз-у, ўтирсам майлими» деб орқа ўриндиққа ўтирди. Ўша заҳоти тўсатдан Олимжоннинг бўйнига пичоқ тираб, «қимирлама» деб буюрди. «Нексия»дан тушган яна икки йигит машинасига чиқиб олишди.

раklar, чап тарафи гулзор билан ўралган эди.

— Машинанинг ҳужжатларини бер!

— Ҳужжатлар уйда қолибди.

Тепакал Шукур автомашинани тита бошлади. Машинанинг орқа юкхонасидан Олимжоннинг 500 минг сўм пулини топиб олди.

Қўлидаги ва машина бардачотидаги уяли телефонларини олиб, ҳаммасини Дилшодга берди. Жамшид ва Шукур икки ёнидан пичоқ тираб, уни ҳовлининг ўнг тарафидagi ошхонага олиб киришди.

— Йигирма беш минг доллар келтириб берсанг, сенга тегмаймиз, — деди Жамшид. — Бўлмаса, машинангдан ҳам, жонингдан ҳам айриласан.

— Бировга чурқ этсанг, ернинг тагидан бўлсам топиб, чавақлаб

шод билан «Мерседес» машинасини савдолашинди. Аввал Жамшид, сўнгра Шукур уларнинг олдига чиқиб келишди.

— «Серёзний» иш бу, — деди Шукур Олимжонга. — Ўн беш минг доллар берсангиз, мошинани қайтариб оласиз. Бўлмаса, сотиб юборамиз!

Олимжон Россияда бир неча йил савдо-сотик билан шуғулланиб, Москва шаҳридаги танишидан янги «Мерседес» машинасини 45 минг долларга сотиб олган, ҳали ўзининг номига ўтказмаган, ишончнома орқали миниб юрган эди. Бир кўнгли ўн беш минг долларга бериб юбориб чув тушишни истамас, бир кўнгли айтганларига рози, тинч қўйишса бас эди. Бироқ уйда, қўлида ҳозир шунча пул йўқ, аросатда қолганди.

ёнида унинг машинасини учраттишди.

— Сизлар кўприк ёнида кутинглар. Мен уни мошинасида ўша жойга бошлаб бораман, — деди Дилшод.

Темур Жамшид, Шукур ва Бахтиёр билан Нексияда кўприк ёнига бориб туришди. «Мерседес» етиб келгач, унга чиқиб ўтиришди. Ҳайдовчисига пичоқ тирашди. Темур ҳайдовчи ўрнига ўтирди. Аввал шаҳар четидagi бир қишлоқда тўхтади. Сўнгра Дилшод Риштон туманига йўл бошлади. Риштонга бориб хонадонлардан бирига Олимжонни олиб кириб, ошхонасига қамашди. Темур билан Бахтиёр такси ёллаб, Қўқонга қайтишди. Тутқун билан Шукур, Жамшид ва Дилшод қолди.

Келаси кунг кечки пайт Темурга Дилшод телефон қилди.

— Бахтиёр билан тезда етиб келинглар.

Риштондаги ҳовлига борганларида Дилшод «юзларингга ниқоб тақиб олинглар» деди.

— Олимжон кўзини боғлаб, Учқўприкка ташлаб келинглар.

Қайтиб келганларидан кейин, Темур «Мерседес»нинг рулига ўтирди. Шукур, Бахтиёр ва Дилшод билан бирга йўлда тушди.

БОСҚИНЧИЛАРНИНГ МАЛАЙИ



«Қочининг иложи йўқ, ошхонанинг эшигини ташқаридан қулфлаб қўйишган. Деразадан тушиб қочишга уринишнинг ҳам бефойда. Ташқарига пойлоқчи қўйишган. Пичоқ билан қуролланган. Турки совуқ, ҳеч нарсадан қайтмайди.»

Жон ширин. Агар ёнида улар талаб қилаётган пул бўлганда тўлаб қутиларди. Машинани сотса сотиб юбормайди-ми! Шу балодан қутулса, омон чикса бас. «Бировга чурқ этсанг, уруғингни қуриб юборамиз!» Бу куруқ пўписа эмас. Ораларида қамалиб чиққан каллақесарлар ҳам бор! «Айтганларига кўнишдан бўлак иложинг йўқ». Жони қил устида турган Олимжон бир кеча-кундузда ич-этини еб, адоий-тамом бўлаёзди.

лардан бири.

— Қўл телефонингиз бўлса, бериб туринг.

Олимжон Равшанжонга телефон қилди. У «Нексия» машинасида етиб келди. Қўқон шаҳрига, уйига элтиб қўйди. Олимжон мижга қоқмай, Дилшоднинг кўнгирак қилишини кутиб тонг оттирди. Келаси кўни ҳам унинг телефон қилишини юрак ҳовучлаб кутди. Сўнгра ишонган оғайниларига бўлган воқеани айтиб, Дилшод ҳамда унинг шерикларини ахтарди. Босқинчиларни ҳам, машинасини ҳам топа олмади. Яна бир кун ўтиб, шаҳар ИИБ бошлиғи номига ариза ёзиб берди.

Тун яримлаган эди. «Деразани очиб қолдирибман-у». Олимжон «Мерседес» машинасини миниб йўлга чиқди. Маҳалла гузаридаги чойхона ёнида тўхтади. Ичкарига кириб ёлғиз ўтирганга таниш йигит кириб келди. Саломлашиб, бироздан кейин чойхонадан чиқиб кетди. Олимжон кўйқаватли турар-жой биносидagi уйдан хабар олиб қўйиш учун машинасини миниб бораётганида боғти йигит қўлини кўтариб тўхтади.

— Қуллуқ бўлсин, зўрини олиб-сиз-у!

— Танайми турибман, — Олимжон бир бор қамалиб чиққан Дилшод акани танимаганга олди.

— Зокир ақанинг укаси Дилшодман, — деди у. — Бунақа машинага ҳеч чиқмаганман. Бир айлантириб келинг.

— Майли, ўтиринг.

— Сотқангизни бериб туринг,

— Машинадан тушмай орқага ўт, — буюрди Дилшод Олимжонга. Рулга йигирма ёшлардаги оқсарикдан келган йигит ўтирди. «Мерседес»ни ортига буриб, мол бозори ёнига етганларида аэропорт тарафга юрди. ЙХХБ ходимлари туралиган катта кўчаларни четлаб, тор кўчалардан юриб, аллақандай қишлоқ четида, ўрикзор ёнида тўхтади. Орталардан ҳалиги «Нексия» машинаси ҳам етиб келди.

— Россияда қўлингизда ишлаган Одилни ўлдиртириб юбординг, — деди Дилшод Олимжонга. — Уйидагиларга сариқ чақа ҳам бермадинг. Шунинг учун сени «наказат» қиламиз!

— Менинг бунга сираям алоқам йўқ, — деди Олимжоннинг юраги тушиб, — ўзининг ажални билан вафот этди. Улигини Москвадан ўзим жўнатганман. Ойласига қўлимдан келганча ёрдам берганман.

Дилшод ва яна икки шериги машинадан тушишди. Жамшиднинг ёнида биқинига пичоқ тираб, бошқа бир шериги чап ёнида елкасини чангаллаб ўтиришаверди. Машинадан тушган «разборщик»лар ўрикзор олдида алланамаларни гаплашди.

Сўнгра яна машинага чиқиб ўтиришди. «Мерседес»нинг олди ўриндиғида ҳайдовчи, ёнида Дилшод ва яна ўттиз беш ёшлардаги тепакал одам, орқа ўриндиғида тўрт киши қисилишиб ўтирган қўйи йўлга тушишди. Аллақандай қишлоққа бориб, очик дарвозадан ҳовлига кириб боришди. Кўчада бир оқ «Нексия» машинаси турган эди. Афтидан ҳовли-уй янги, томорқанинг девори йўқ, ўнг тарафи те-

ташлаймиз, — дўқ урди Шукур.

Олимжон ошхонада, чироқ ёруғида уларга яхшироқ разм солиб қаради.

— Акангизни яхши танийман, — деди муроса оҳангида Жамшидга. — Шуқуржонни ҳам биламан. Қассоб, ҳовлимиздаги қўйини сўйиб, бозорда сотиб берган.

Улар хавотирланиб бир-бирларига қарашди.

— Биз айтган пулни берсангиз, чет элга чиқиб кетамиз, — деди Жамшид.

— Бунча пулим йўқ. Икки минг доллар топиб бераман.

— Кўпчилкимиз, — деди Шукур. — Урвоқ ҳам бўлмайди.

Дарвоқе ташқарида, ҳовлида яна бир неча шериклари бор эди. Машина моторининг овозига қараганда қаергадир бориб қайтиб келишди.

Олимжон тонггача мижга қоқмади. Уни навбат билан қўриқлашди. Қочишга уринса, сўйиб юборишларини айтиб, дилга ваҳима солиб қўйишди.

Келаси кўни соат ўн бирларда хонадон эгаси кириб, босқинчиларга овқат пишира бошлади. Ҳамма гап-сўзларни индамай эшитиб турди.

— Ўн беш минг доллар охириги шартимиз, — деди Шукур.

— Бунча пулим йўқ, Иккалаларингга икки минг доллардан берай, мени қўйиб юборинглар, — Олимжон ялиниб-ёлворди.

— Кўнмасангиз, мошинангизни киргизистонликларга сотиб юборамиз!

Тушдан кейин ҳовлига нота-ниш, афтидан киргизистонлик хабардорларни бошлаб келишди. Дил-

Кечки пайт соат

бешларда унинг устидан қулфлаётиб, «ҳали Дилшод аканинг ўзи сизни олиб кетали» дейишди. Кечкурун соат тўққизларда ошхонада Дилшод эмас, икки нафар юзларига ниқоб тутган йигитлар кириб боришди.

Кўзнинг иккинчи кўнида Темур Учқўприкнинг Ёйилма қишлоғидаги ошхонада Шукур, Дилшод, Бахтиёр ва Жамшидни учратди. Улфатчилик қизиганида қамоқхонада ўтириб келган Дилшод «бита бойвачча бор, миллионер» дея «иш»дан сўз очди.

— Москвада иш қилган. Шериги Одилжонни ўша ерда одам ёллаб ўлдиртирвотган. Қирқ беш минг долларга «Мерседес» машинасини миниб келган. Разбор қилиб, пуллари, мошинасини олиб қўямиз.

— Ким нима деса десин-у, умримни қамоқхонада ўтказмайман, — Темур тайсаллади.

— Сени таниб ўтирибдими у? Ўзим гаплашаман. Сен шопирлик қиласан, холос. Ҳаммасига ўзим «отвечат» қиламан!

Ун тўққиз яшар йигит «кўпни кўрган» Дилшоднинг таклифини рад этишни ўзича ор деб билди.

Бешовлон «Нексия» машинасини кира қилиб бойваччани излашди. Тун яримлаганида Қўқон шаҳридаги чойхоналардан бири

— Мен қоламан, сизлар машинани Шуқурнинг қайнотасининг уйига ташлаб келасизлар, — деди Дилшод.

Айланма йўллардан чегарани кесиб ўтиб, Қирғизистонга кириб боришди. Шуқурнинг қайнотасиникига машинасини ташлаб, орталарга қайтишди. Чегарадан ўтаётганларида Шуқурни чегарачилар ушлаб олишди. Темур билан Бахтиёр чегара ортида яширинишди. Темур келаси кўни айланма йўллардан ўтиб, Қўқонга уйига келса, милициядан суриштиришибди. У Тошкентга қочди. Поёхтада яшириниб юрганга милиция ходимлари изига тушиб, қўлга олишди.

Жиний гуруҳ етакчиси Дилшод Тошпўлатов ва унинг ҳамтовоқлари Бахтиёр Турсунов, Жамшид Иргашев, Шукур Исмоиловлар бунгача судланиб, қилмишларига яраша жазо тайинланган эди. Судда Темур Муҳаммаднинг бир фуқарони байриқонуний тутқунликда ушлаб туриш, босқинчилик йўли билан унинг мулкани эгаллашдан иборат жиноятдаги бевосита иштироки ўз таълиғини топди. Босқинчиларнинг қочиб яширинишга уринган шериги ҳам жиний қилмишдан ўзига тегишли ҳулоса чиқариб олиши учун етарли муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Жаҳонгир ПўЛАТОВ, Фаргона вилоят прокуратураси бўлим прокурори. Исроил ИБРАХИМОВ «Нуқид» муз.

Сиз эҳтиромга лойиқсиз!

Халқимизда «Кариси бор уйнинг париси бор» деган нақл бор. Бу нақл бежизга айтилмаган. Негаки, ёшлар азал-азалдан нуруний отахон ва онахонларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, уларнинг қилган эзгу ишлари, кўп йиллик тажрибаларидан ўзларига сабоқ олиб келишган.

Ана шундай, юрт равнақи ҳамда истиқболга ўзининг муносиб хиссасини қўшган фажрийлар қаторига Қундузхон Исаховани ҳам киритишимиз мумкин.



Қундузхон опа 30 йилга яқин Тошкент шаҳар прокуратураси тизимида, жумладан Чилонзор, Яккасарой, Мирзо Улуғбек туман прокуратураларида масъулиятли лавозимларда фаолият кўрсатди. Қаерда ишламасин, меҳнатсеварлиги, фидойилиги билан ташаббус кўрсатиб, ҳамкасблари орасида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлди. Қонунийлиқни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва фуқаролар ҳамда жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида самарали меҳнат қилди. Шу билан бирга ёшларга ҳам ўрнак бўлиб, уларга устозлик қилди. Кези келганда эса ўзининг бой тажрибаси билан ўртоқлашди.

Қундузхон опанинг кўп йиллик меҳнати бесамар кетмади. У киши прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Хозирги кунда 60 ёшни қарши олаётган Қундузхон Исаховани табаррук ёши билан қўлгаб, у кишига сихат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик ва оилавий хотиржамлик, фарзандлари ва набира-ларнинг бахтига доимо соғ-саломат бўлишини тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фажрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

Инсон ҳуқуқлари муқаддас. Бугунги кунда кенг жамоатчиликнинг илгор ғояси, қолаверса, биринчи галдаги сайё-ҳаракати фуқаролик жамиятини шакллантириш, ушбу жамиятда инсон ҳуқуқларини олий даражага кўтаришга қаратилмоқда. Хозирда бу йўналишда қатор ютуқларга эришилди, десак муболага бўлмайди.

Мамлакатимизда адвокатура институтининг ривожланиши юқорида қайд этилган ҳолатларнинг яққол далилидир. Халқро тажрибадан маъ-

бўлиган бўлиб, тааллуқлилиги бўйича тегишли йўналишларга бўлинади. Масалан, айрим адвокатлар оилавий ҳуқуқ, бошқалари ҳўжалик ишлари, яна бирлари фуқаролик ишлари, қайси-қайсида жиноят ишлари бўйича ихтисослашган. Шу билан бирга, бўлинган катта тармоқларда, масалан, оила ҳуқуқи соҳасида ҳам тор мутахассислик бўйича ҳам ажралиб туришдади. Яъни оила ҳуқуқи кенг тушунча. Бунга доир ишлар эса жуда катта аудиторияни ташкил этади. Бу

ва малакаси ошади, ҳимоя кучи янада мустаҳкамланади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар адвокатура институтини четлаб ўтмади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдиги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Респуб-

Адвокатура институти

лумки, қатор ривожланган давлатларда адвокатура суд-ҳуқуқ соҳасининг ажралмас қисмидир. Ушбу соҳада рўй берган деярли ҳар бир ўзгариш, ўз навбатида адвокатурага таъсир кўрсатади.

Мисол учун, Франция, Япония ва Буюкбритания тажрибасига тўхталсак. Францияда адвокат ҳам жавобгар, ҳам даъвогарга вакиллик қилиши билан бирга, жинойий процессларда давлат айбловини қўллаб-қувватловчи тараф бўлиб ҳам катнашади. Бу тажриба Япония ва Буюкбритания амалиётида ҳам бор.

Шунингдек, бу давлатларда адвокатура институти кенг тармоқларга

йўналишда судда жуда кўп ва турли мазмундаги даъволар кўрилади. Ажралшиб, болага васийлик, алимент ва ҳокзо. Шунинг учун адвокатлар тор мутахассислик доирасида амалиёт билан шуғулланишлари. Оила ҳуқуқи соҳасида айримлари ажралиб ишлари, бошқалари алимент ундириш масалалари, яна қимдир болага васийлик даъволари билан шуғулланишлари.

Бу тажриба хозирда Ўзбекистонда ҳам ўз ўрнини эгалламоқда. Бу албатта, инсон учун ўз манфаатини ҳимоя қилишнинг сифати ва самарали усулидир. Маълум бир йўналишга ихтисослашган адвокатнинг айнан шу йўналишдаги тажрибаси, билими

ликосининг айрим қонун ҳужжатларида кўшимча ва ўзгариш киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қарши этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгаришлар киритилди, янги қонунлар қабул қилинди. «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Равшан АЗИМОВ,
Тошкент транспорт прокурорининг ёрдамчиси

ИНТЕРПОЛ ҳаракатда



«ИНТЕРПОЛ» халқаро полицияси террористик фаолият юртишда гумон қилинаётган 85 кишининг рўйхатини эълон қилди, деб хабар берди AFP. Илгари бу рўйхат Сау-

дия Арабистони маъмурийяти томонидан эълон қилинган эди. Яманлик икки фуқаро ҳамда Саудия Арабистони фуқаролари бўлиш 83 киши «Ан-қоида» халқаро террористик ташкилоти билан алоқада бўлганлиқда гумон қилинмоқда. «ИНТЕРПОЛ» вакиллари

лар билан тақлим бўлишга чакирди. Маълумки, «ИНТЕРПОЛ» 1923 йилда халқаро жиноятчиларни ахтаришни мувофиқлаштириш, уюшган жинойий гуруҳларга қарши кураш олиб бориш, гиёҳвандлик контрабандасига қарши кураш олиб бориш, қимматбаҳо қозғоларни қалбақлаштиришга қарши ҳамда иқтисодий соҳадаги жиноятларга қарши кураш олиб бориш мақсадида тuzилган эди. Кейинги йилларда бу ташкилот жамоатчилик хавфсизлигини сақлаш ва терроризмга қарши курашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Перуда автобуслар тўқнашуви

10 февраль кун Перу жанубида юз берган иккита катта йўл транспорт фалокати натижасида 26 киши ҳаётдан кўз юмган ва юздан ортик киши турли даражадаги жароҳат олган, деб хабар берган Associated Press.

Биринчи йўл транспорт фалокатида иккита автобус катта юк ташвиш машинасига келиб урилган. Бунинг натижасида 14 киши ҳалок бўлган ва 57 киши турли даражадаги жароҳат олган. ИТФнинг юзага келиш сабаблари хали аниқланганича йўқ. Иккинчи ҳолатда йўловчилар билан лиқ тўла автобус тоғ унгурига тушиб кетган. Бунда 12 киши ҳалок бўлган ва 39 киши жароҳат олган. Хабар беришларича, ИТФ натижасида ҳалок бўлганлар орасида иккита испан ва битта италиялик шахслар бўлган.



Нальчикда портлаш

Нальчик шаҳрида сешанба кун кечқурун бомба портлаши натижасида бир милиция ходими жароҳат олди. Кабардино Балқария ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги манбага асосланган ҳолда РИА-Новости шундай хабар тарқатди.

Портлаш Москва вақтида билан 22.45 да Нальчик шаҳрининг Ахохова кўчасидаги «Султон» магазини олдида рўй берди. Бу пайтда магазин ёнидан милиция ходимлари патрули ўтаётган эди, деб аниқлаштириди ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакили.

Исботланмаган маълумотларга қараганда, портлаш натижасида йўл патруль хизмати катта сержанти жароҳат олган. У дарҳол республика клиник касалхонасига етказилган. Интерфаксининг хабар беришича, портлаш жойида тезкор тергов гуруҳи иш олиб бормоқда. Гуруҳ таркибига ИИБ, ФХХ ҳамда тергов кўмитаси ходимлари киритилган.



3 февраль ҳолатига кура Россияда расман рўйхатга олинган ишсизлар сони 1 миллион 735 минг кишини ташкил этди. Бу ҳол ўтган ҳафтадагига қараганда 93 минг кишига кўндир, деб хабар беради Интерфакс. Вазирликка мамлакат-

Россияда ишсизлик ошмоқда

даги 19 минг ташкилот ўз ишчиларини ишдан бўшатаётганиги тўғрисидаги маълумот келиб тушган. Шундай қилиб, 3 февралгача ишсизлар сонининг ошми суръатлари ўзгармаган. 21-28 январь орасида эса ишсизлар сони 94 мингтага ошган. Ишсизлар сонининг кескин ошиб бориши Бурятия, Чувашия, Татаристон, Киров, Кастрома, Нижегород, Ленинград ва Челябинск вилоятларида кузатишган. Зеро, буларнинг барчаси бандлик хизматида қайд этилган.

корхона ўз ишчиларининг тўлиқсиз иш кун режимига ўтказилишини ёки уларга мажбурий таътил берилишини эълон қилган.

Ушбу кўрсатмалар таъсир доирасига тушиб қоладиган ходимлар сони бутун мамлакат бўйлаб 821 минг кишини ташкил этади. Россиядаги ишсизлик иқтисодий бухрон оқибатидир. Унинг натижасида иш берувчилар ўз компаниялари самарадорлигини сақлаб қолиш мақсадида иш ўринларини қисқартришга мажбур бўлмоқдалар.

Хафта давомида 1000 дан ортик

Мафия бошлиғи ҳибсда



Доминикан республикасининг пойтахти Санто-Домингода Италиянинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан қидирилатган 100 та энг хавфли жиноятчиларидан бири қўлга олинди, деб хабар тарқатди 10 февраль кун La Repubblica нашри.

Италиялик терговчиларнинг таҳминига кура, Санто-Домингода қўлга олинган «Каморра» неаполитан мафияси бошлиғининг ўғли Чиро Мацарелла кейинги пайтларда «Каморра»га бошчилик қилган. Бунинг сабаби шундаки, унинг отаси Чиро-Дженарро Мацарелла ва акиси Фрэнсис хозирги кунда қамоқхонада сақланмоқда. Чиро Мацарелланинг ўзи 2006 йилдан буён, яъни полиция уни қўлга олишга ордер олгандан бери қидирувда эди.

Тергов маълумотларига кура, 2006 йилда Мацарелла аввал Колумбияга, кейинчалик эса Коста-Рикага қочиб кетган. Шундан сўнг у Санто-Домингога ўтган.

Доминикан республикаси пойтахтида у бир серҳашам вилада истиқомат қилган ва ўша ердан туриб, неаполитан мафиясининг ишларини мувофиқлаштириб бorgan.

Мацареллани қидириб топилша Италия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлариغا ИНТЕРПОЛ ёрдам берган. Мафия бошлиғини қўлга олишга Италия ва Доминикан полицияси хисса қўшишди. Кейинги ойда Каморра раҳбарияти вакилларидан 4 таси қўлга олинган. 28 январь кун Мадридда Антонио Кайашчо, 18 январь кун эса Испанияда «Каморра» раҳбарларидан бири бўлиш Сальваторе Зазо қўлга олинган эди. Ниҳоят, 14 январь кун Италияда Неапол мафияси раҳбарларидан бири Джузеппе Сетолу қўлга туширилган эди.

Франц-Фердинанднинг чевараси



AFP ахборот агентлигининг хабар беришича, Австрия эригерцогги Франц Фердинанднинг чевараси унинг Гргага қўнидаги Конопиште қасрини суд орқали ўзига олмақчи. Маълумки, Франц Фердинанднинг Сараева яқинида ўлдирилиши биринчи ҳажам урушининг бошланиб кетишига сабаб бўлган эди. Илгари Чехия суди Франц Фердинанднинг чевараси, малика Софи фон Хоженбергнинг даввосими рад этган эди. Чўнки 1948 йилда мамлакатда коммунистик режим ўрнатилгандан кейин мулкдорлардан тортиб олинган мулкларга нисбатангина реституция тўғрисидаги қонун амал қилади. Конопиште қасри эса 1921 йилда Австро-Венгрия тарқатилиб, мустақил Чехия Республикаси ташкил этилгандан кейин давлат эгалигига ўтказилган эди. Шунга қарамасдан, Софи фон Хоженберг апелляция аризаси билан Олий суд инстанциясига мурожаат қилмоқчи.

«Internet» хабарлари асосида Йўлдош ПАРДА тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Хоразм вилоят прокуратураси жамоаси Урганч туман прокурорининг ўринбосари Арипджон Хаитбоевга укаси

Муродбек ХАЙТБОЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик ихроқ қилади.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 8-сонли касб-хунар бизнес мактаби томонидан 2000 йил Сотиболдиева Ширинга берилган 128634 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Er yuzida qancha odam yashasa, har birining ўziga yasha xarakterini, dunёkarashi bor. Ayniksa, jahongra taniilgan badaolat шахсларнинг tutgan йўллари айнан уларнинг характери билан боғлиқ бўлса ажабмас.

Одамзот бойликка, бой бўлишга интилади. Бу йўлда турли усуллардан фойдаланади. Куйида ана шундай йўллар билан жаҳонга танилган 12 сулола ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

рин Грэм вафот этганида унинг ишини давом эттириётган ўғли Дональднинг номига шахсан Билл Клинтон ва Билл Гейтслардан келган таъзияномалар гувоҳлик бериб турибди.

«САРИҚ» ИМПЕРИЯ

Оддийгина қизиқиш ортидан ўзига медиаимперия яратган одам Уильям Херстнинг ҳаёти ҳам оддийгина. Гарвардда ўқиб юрган кезларидаёқ журналистикага меҳр қўйган йигит, биринчи нашини отаси — «кўмир» миллиарддердан ялиниб-ёлвориб қўлга киритди. Арзимаган тираждаги, ёпилиш арафасида турган бу газета қарияга карта ўйинидаги ютуқ ўрнига келгани учун ҳам у аввалига хайрон бўлди, ammo ўғлининг райини қайтармади.

Кўп ўтмай газетанинг тиражи ошгандан-ошиб, одамлар ҳақиқий сариқ матбуот нима эканлигини англай бошладилар. «Қовурилган» фактлар, пуфланган воқеаю ҳодисалар, тўқимаю уйдирмалар, ғийбатлар газетанинг асосий материаллари ҳисобланарди. Тақдирнинг ўйиничи қарантки, медиа-

Бошланишига улар мундштук ишлаб чиқаришди. 50-йилларга келиб Тадаонинг эс-ҳаёлини ҳисоблаш машиналари ўғирлай бошлади. Бир неча йилдан сўнг бўйи бир метр, оғирлиги 120 кг. келадиган машинани кўрганлар хайратга тушибди. Шу кундан бошлаб «Касио»лар имкони борича кичикроқ машинака яратиш устида иш бошлайдилар. Натижани эса қўриб турибмиз. Ҳаммага маълуму машҳур калькуляторлар ана шундай дунёга келган.

«ОИЛАПАРВАР» БИЗНЕСМЕН

Бундан икки йил муқаддам «Чўқинтирган ота» фильмидаги Вито Карлеоненинг прототиғи бўлмиш 97 ёшли Жозеф Боннано дунёдан кўз юмди.

Йигитлик чоғида мафакка аралашиб қолгани учун Куба орқали АКШга қочган Боннано, шу заҳоти Нью-Йоркдаги таниқли жинорий гуруҳлардан бирига қўшилиб қолади. Лаёқати тўфайли кўп ўтмай хурмати ошиб, 30 ёшга тўлмай ўзининг тўдасига эга бўлади. Гарчи четдагилар учун Бон-

ДУНЁГА ТАНИЛГАН 12 СУЛОЛА

БОБОНИНГ СОЯСИ

Дунёга машҳур сулоланинг асосчиси Жон Рокфеллер болалигидан пулга қанчалар меҳр қўйганлигидан бадавлат шахсга айланди. «Колорад чиябўриси»нинг бу «хислат»ининг кўпчилики авлодлари ҳам яхшигина ўзлаштириб олишган эди. Уларнинг тарбияси ҳам айнан рокфеллерча-сига бўлган. Масалан, кичиклар ҳақларининг кийимини кийиши, кундалик харажатларга ишлаб пул топишлари шарт бўлган. Уларни қизиқтириш учун ота ҳар бир ўлдирилган пашша учун болаларига 2 центдан тўлган. Жон оддий хизматчи бўлиб иш бошлаган вақтлардаёқ, бир даққа ҳам вақтини зое кетказмаган. У тонгдан шомгача шунчалар кўп ишлаган экани, натижада чекиш, ичиш ва қизлар билан кўнгулхушлик қилишга ҳам вақт топа олмаган. Фақат гоҳи-гоҳида қўлга киритган биринчи чекини олиб, томоша қилган.

БИР УМРЛИК ТИМСОҲ

Бизнес баъзан вақтида илғаб олинган фикрдан, гоҳида эса хобидан бошланади. Иккинчи ҳолат жуда камдан-кам учраса-да, француз сановатчисининг ўғли Рене Лакостга айнан спортга бўлган қизиқиши омад келтирди. Коллежда ўқиб юрган пайтлардаёқ катта теннис билан шуғулланишни бошлаган Рене, вақти келиб дунёнинг кучли спортчилари сафидан ўрин олди. Хаммаси 1927 йилдаги Дэвис кубоғи олдидан Лакост ўзининг голиб чиқиши ҳақида спортчилардан бири билан баҳслашишдан бошланди. Байга тимсоҳ терисидан ишланган жамадон тикилди. Бундан хабар топган журналистлар Ренегга «тимсоҳ» дея лақаб қўйишди. Янги ном бўлгуси миллиарддерга шу даражада маъқул бўлдики, икки йилдан сўнг кубокни қўлга киритгач, текстил фабрикасини очди. Энди «Тимсоҳча» унинг костюмидан кўйлақларга ўтди. Охириқибат турли давлатларда икки мингга яқин дўкон очилган муваффақ бўлган Рене компаниянинг тўнғич ўғлига қолдириб, яна спорт билан шуғулланиши бошлади.

СУПЕРМАРКЕТ АСОСЧИСИ

«Уол Март» супермаркетлари тармоғини яратган Сэм Уолт исмли шахс шахар чеккасида катта-катта дўконлар қуриб, халқ назарига тушди. У нархларни имкон даражасида бўлишини таъминлаб, автоуловлар тўхташ жойини бегул қилиш билан хариддорларни жалб қила олди.

Умуман олганда Уолтонларнинг бизнес-сулоласи гирт америкача ҳисобланади. Бу оилада болалар кичкиналигиданок отасининг ишида иштирок этиб, пайти келиб оила бизнесининг давомчисига айланади. Улар таъмирлаш, юк ташиш, харид ишларига қарашидан бўйин товлмай, ҳатто музқаймоққа ҳам пулни хизматчилар билан тенг меҳнат қилиб топишарди. Отанинг вафотидан кейин компанияга раҳбарлиқни қўлга олган тўнғич ўғил Робсон бугунги кунда ер қуррасининг энг бойларидан бири ҳисобланади. Унинг шахсий жамғармаси 20 млрд. доллардан ошади.

БРИЛЛИАНТ ҚАДРИ

Ўтган асрнинг 20-йилларида олмосларнинг нархи тўсатдан тушиб кетди. Бундан қимматбахо тошларнинг билимдони бўлмиш катта Опенгеймер ўзини йўқотмади. У бир вақтлар ўта қудратли бўлган «Де Бирс»нинг акцияларини арзимаган нархда сотиб олиб, оила бизнесига биринчи тамал тошини қўйди. Вақт ўтиши билан катта ўғил Гарри отасининг ишини давом эттириб, «Бриллиант — абадий» дея бутун дунёга жар солди. Аслида эса унинг ўзи бу тошларни бекорчилик ва арзимас нарсадан иборат дея ҳисобларди. Шундай бўлса-да, Гарри бриллиантларни реклама қилишнинг ўзига хос усулини йўлаб топди. Унга кўра гарбл-кўвёллар муҳаббат изхор қилаётганларидан бриллиант қўзли зуук совага қилмасалар уят бўларди. Устига-устак ўша пайтдаги ёзилмаган қонунга кўра бундай зуқунинг нархи кўвб бўлишининг икки-уч ойлик маошига тенг бўлиши керак бўлган. Шунинг учун ҳам «Де Бирс» теъда оёққа турди. Олмосларнинг нархи эса 60 фоизга ошди. Бугунга келиб компа-

ния дунё олмос бозорининг 75 фоизини назорат қилади. Унинг раҳбари эса Гарри Опенгеймернинг наби-раси Жонатандир.

АРХИТЕКТОРЛАР УЧУН «ОСКАР»

Америкадаги энг қудратли сулолалардан бири, қатор меҳмонхоналар асосчиси Николас Притцкер бундан 200 йил илгари океан ортига Россиядан, курук қўл билан кириб келган эди. Ишлаш даврида юристликка ўқиб, амалиётга ўтиши билан пуллардан оз-оздан йиғиб қўя бошлади. Унинг набиралари эса оилавий бизнесни кенгайтириб, «Хаят» номли меҳмонхоналар тармоғини яратишди. Бугунга келиб дунёнинг 40 дан ошқ мамлакатда Притцкерларнинг 200 дан кўпроқ меҳмонхона комплекси ва курортлари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Притцкерлар оиласи архитектура соҳасига ҳам аралашди, бу касб вакиллари-нинг жаҳон тан олган муҳофотини таъсис этди.

СЎЗ ҲОКИМИЯТИ

Ўтган асрнинг 30-йилларида ёпилиш арафасидаги нашрни арзимаган баҳога сотиб олган кимса озроқ вақт ўтиб, акцияларнинг назорат пакетини қўеви Филлип Грэмга сотиб юбрарди. Газета аста-секин оёққа тураётган кунларнинг бирида, Филлип ювнини хонасида ўзини отиб қўйди. 46 яшар бева аввал отаси, сўнгра эри эгаллик қилган газетани бировга беришни хоҳламай, раҳбарликни ўз қўлига олади. Сиёсий жиҳатдан бомбага қўйсаланувчи материаллар чоп этилган пайтларда, унинг полуғини пайсатирмоқчи бўлганлар пайдо бўлишди. Бирок Кэтрин танлаган йўлидан чекинади-кан аёллар тоғасидан эмас эди.

Унинг фаолиятида шундай кунлар ҳам бўлганки, ходимларнинг иш ташлаши оқибатида Кэтринга шахсий эълонларни қабул қилиб, газета тиражларини қадқоқлашга тўғри келган. Авлининг меҳнати самарасиз кетмади. Бугунга келиб, «Вашингтон пост компания» қудратли медиа компаниялардан бирига айланди. Бунга Кэ-

магнатнинг шахсий ҳаёти ҳам унинг кўп остидаги ўнлаб газета, журнал ва радиостанциялардаги материаллар каби бошдан-оёқ жанжаллар-у ғийбатлар, миш-мишлардан иборат бўлиб қолди. Бу эса Уильямга аксинча таъсир этди ва унинг сценарийси асосида афсонавий «Гражданин Кейн» фильми яратилди. Албатта, ҳеч нарса абадий эмас. Медиамагнат ҳам кунларнинг бирида гирт маст ўйнашнинг бағрида дунёдан кўз юмди. Бу воқеа унинг 165 хонадан иборат саройида юз берди.

Аваллига унинг беш ўғлидан бирортаси ҳам компанияни бошқаришни хоҳламади. Орадан 20 йил ўтгандан кейин, 1973 йилга келибгина, 12 газета ва 25 журналдан иборат империяни Херст фамилияли шахс бошқара бошлагани ҳақида хабар тарқалди.

БУЛУТЛАР ОСТИДАГИ ҲАЁТ

Бугунги Америкада Трамплар сулоласини танимайдиган одамни топиш қийин. Уртамеъна бизнесменнинг ўғли бўлмиш Дональд Жон Трамп бизнес соҳасида отасидан анча илгариллаб кетди. Акасига қиморат тааллуки бизнесини ўзининг номидан бошқаришни топшириб, ўзи эса асосий вақтини киборлардан таниш орттиришга сарфлай бошлади. Унинг бу саъй-харақати 1974 йилда ўзининг илк мевасини берди. Трамп томонидан Нью-Йорк шаҳрида қурилган осмон-ўпар Trump Tower мана-ман деган, дунё таниган машҳур шахсларни ҳам лол қолдирди. Шу-шу ер куррасидаги «энг қайноқ шахар»нинг асосий қурувчисининг ошиғи доимо олчи.

ЯПОН ЭЛЕКТРОНИГИ

20-йилларда Токиода рўй берган зилзила кўпчилик япон оилалари қатори Касиоларни ҳам гуруч етиштиришдан четлаштирди. Оддий колхозчи оиласида вояга етган Тадамо Касио узоқ ўйлаб ўтирмай, радиолама заводига ишга кириди. Кўп ўтмай арзон нархта токарлик станогни сотиб олиб, самолётлар учун ҳар хил деталлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Урушдан кейин эса ака-укалари билан биргаликда «Касио эйс-сайкусе» компаниясига асос солади.

ЛАУДЕР — ОИЛАВИЙ РОҲАТ

Лаудерлар сулоласини манунавий оилавий бизнесчилар дея аташ мумкин. Ўғил, келин, набиралар, жиялар — ҳаммаси Эсте Лаудер асос солган қудратли косметика фирмасини биргалликда бошқаришди. Фаолиятини кремларни ошонда тайёрлаб, дун қилган аёлга тавсия қилишдан бошлаган Эсте камбағал венгер эмигрантларининг фарзанди эканлигини сир тутиб, ўзини графиня деб таништирди. Еб-ичишдан ўзини тийгани ҳолда, қиролчилардек кийинишга зўр берарди. У Америка бозорига етарли мавжега эга бўлгач, Европани забт этишга йўл олади. Эсте махсулотини реклама қилишнинг ўзига хос усулини қўллаб олган аёл сифатида ҳам барчани лол қолдирди. Масалан, Париждаги кўп қаватли дўкон залининг ўртасига туриб олиб, қўлидаги духи идишини ерга зарб билан уради. Духининг ўткир хиди зумда юзлаб одамларни ўзига жалб қилади.

ЗОТЛИ КОНЬЯК БОЧКАСИ

Хеннессилар оиласининг тарихи билан танишсангиз спиртли ичимликлар билан ошно бўлиш ҳар доим ҳам инсонни одам сиеҳидан чиқармаслигига амин бўласиз. Ҳамма гап, албатта сифатда! XVIII асрнинг иккинчи ярмида ирланд батальонининг капитани Ричард Хеннесси эстефоча қичқач, Франциянинг Коньяк провинциясида умрининг охиригача қолишга қарор қилади. Унинг кичкина на коньяк ишлаб чиқарувчи фирмаси шу зайл дунёга келган эди.

Орадан қорак аср ўтмасдан миллионлаб шиша коньяклар ишлаб чиқарила бошланди. Бугунга келиб, Хеннессининг авлодлари божбонлар билан ишни жадал амалга оширмоқдалар.

Ғафурхон АЛИМОВ тайёрлади

Huquq
yuridik gazeta

Te' sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilgan «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar **, belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma № — 155. 29 457 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Nabvatchi muharrir: Z.MAMADALIYEV
Nabvatchi: O.DEHQONOV
Musahihchi: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshenba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «Sharq» NMAK boshmaxonasida o'fset usulida chop etiladi. Korxonani Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00, Topshirish: 21.30 1 2 3 4 5 6 7 8